



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 20» oktabr

№ 550

Toshkent sh.

### Никоҳ, оила ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш тўғрисида

Сўнгги йилларда республикамизда норма ижодкорлиги фаолияти сифатини яхшилаш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг институционал-хуқуқий базасини янгилаш, эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган нормаларни бекор қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, қонунчиликдаги тизимли ўзгаришлар билан боғлиқ жадал ривожланиш тартибга солиш юкини камайтириш, тарқоқ ҳолда тартибга солинаётган ижтимоий муносабатларни тизимлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишина тақозо этмоқда.

Миллий қонунчилик базасини ортиқча норматив-хуқуқий ҳужжатлардан холи этиш, унинг тизимлилигини таъминлаш, хуқуқни қўллаш амалиётида юридик таъсир кучига эга бўлмаган ҳужжатларни бекор қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 апрелдаги ПФ-6218-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги ПФ-6218-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 – 2025 йилларда норматив-хуқуқий ҳужжатларни қонунчилик тармоқлари бўйича тизимлаштириш дастурининг 32-бандида **никоҳ ва оила, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Куйидагилар:

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофик;

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ходимларининг сонини белгилаш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофик;

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидлари **3-иловага** мувофик;

Туғилганликни қайд этиш билан боғлиқ комплекс давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти **4-иловага** мувофик;

Ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

3. Белгилаб қўйилсинки:

янги гербли гувоҳномалар берганлик учун (ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномалар ҳамда етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбия муассасаларига жойлаштиришда берилган туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномалар бундан мустасно) герб йигими **базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида** ундирилади;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг архив маълумотларини рақамлаштириш натижасида турли йиллар давомида бир хил серия ва рақамли туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар расмийлаштириб берилганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, ушбу гувоҳномаларни қайта расмийлаштирганлик учун **герб йигими ундирилмайди**;

герб йигимидан тушадиган маблағлар қўйидаги тартибда тақсимланади:

**15 фоизи** – туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадига;

**85 фоизи** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади ҳамда гербли гувоҳномалар ва фуқаролик ҳолати ёзувлари бланкларини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга, адлия органлари ва муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимларини моддий рағбатлантириш, шунингдек, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг қўшимча штат бирликларини сақлаб туриш тадбирларига сарфланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** ариза берувчиларнинг хоҳишлирига кўра Ягона интерактив давлат хизматлари порталида туғилганлик ҳақидаги маълумтонома асосида болага туғилганлик ҳақида гувоҳнома олиш бўйича сўровлар юбориш имкониятини яратсан.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **6-иловага** мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Д. Ташкулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “20” октябрдаги550-сон қарорига  
1-илова

## **Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (кейинги ўринларда – ФҲДЁ) органларининг асосий вазифалари, функциялари, ҳукуқ ва мажбуриятлари, фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Қуйидагилар ФҲДЁ органлари ҳисобланади:

туман ва шаҳар ФҲДЁ бўлимлари (кейинги ўринларда – ФҲДЁ бўлимлари);

Қорақалпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда – худудий адлия органлари) ФҲДЁ архивлари.

3. ФҲДЁ органлари худудий адлия органлари тизимига киради ва уларнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-кувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 18 февралдаги ПФ – 5938-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ФҲДЁ органлари ишини назорат қилиш, малакали кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ҳукуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, “ФҲДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимини юритиш ва ФҲДЁ органларининг худудий архивларига раҳбарлик қилиш учун масъул ҳисобланади.

5. ФҲДЁ органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

6. ФҲДЁ органлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

7. ФҲДЁ органларининг фаолияти қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилишини ва уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни сир тутиш тамойилларига асосланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш муносабати билан ходимга маълум бўлиб қолган ҳолатлар хизмат сири ҳисобланиб, улар, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ҳам ошкор этилиши ёки эълон қилиниши мумкин эмас.

## **2-боб. ФХДЁ органларининг вазифа ва функциялари**

8. ФХДЁ органларининг вазифаси жисмоний ва юридик шахсларга фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишидир.

ФХДЁ архивларининг вазифаси жисмоний ва юридик шахсларга кўчирма, нусха ва бошқа маълумотномалар бериш йўли билан давлат хизматларини кўрсатишидир.

9. ФХДЁ органлари уларга юклатилган вазифага мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритади;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг ҳисобини юритади;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини ва қонунда белгиланган бошқа хужжатларни сақланишини таъминлайди;

фуқароларга (ўзларига нисбатан тузилган далолатнома ёзувлари бўйича) фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари қайд қилингандиги хақида гувоҳномалар, зарур ҳолларда такrorий гувоҳномалар ва маълумотномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик), суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, иш юритувида мавжуд бўлган ишлар муносабати билан нотариуслар, шунингдек ФХДЁ органлари ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги консуллик муассасаларининг ёзма сўровномаларига биноан далолатнома ёзувларидан нусхалар ёки улардан кўчирмалар ва маълумотномалар беради;

зарур ҳолларда мудофаа ишлари бўлимлари, соғлиқни сақлаш органлари, бандликка кўмаклашиш марказлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимлари ва бошқа ваколатли идораларнинг сўровларига асосан йиғиши, умумлаштириш ёки таққослаш мақсадларида далолатнома ёзувларидан алоҳида маълумотлар беради;

қатъий ҳисобда турувчи гербли гувоҳнома бланкларини ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлашнинг ҳисобини юритади ва бу ҳақда белгиланган муддатларда ҳисботлар топширади;

белгиланган шакллар бўйича статистик ҳисботларни юритади;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг электрон маълумотлар базасини юритади;

мурожаатларни белгиланган муддатларда ва тартибда кўриб чиқади;

оила тўғрисидаги қонун хужжатлари, шунингдек фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд қилиш масалалари юзасидан ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради.

**10. ФХДЁ** бўлимлари мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган функциялардан ташқари:

фуқаролик ҳолати далолатномалари (туғилганлик, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш ва ўлим)ни қайд этади, шунингдек оталикни белгилаш, фарзандликка олиш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳаракатларини амалга оширади;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини тиклайди ва бекор қиласди;

шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йифини раисларининг ўлимни қайд этишдаги ишларини мувофиқлаштиради ва уларга амалий ёрдам кўрсатади, гербли гувоҳномаларнинг талаб даражада сақланиши ва сарфланиши чораларини кўради;

никоҳни ва туғилганликни тантанали равишда қайд этади (фуқароларнинг хоҳишига кўра).

**11. ФХДЁ** архивлари мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган функциялардан ташқари **ФХДЁ** бўлимларининг хабарномаларига асосан далолатнома ёзувларининг иккинчи нусхаларига тегишли ўзгартириш ва белгилар киритади ҳамда уларни бекор қиласди.

Далолатнома ёзувининг биринчи нусхаси мавжуд бўлмаган тақдирда, унинг иккинчи нусхасига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритади.

**ФХДЁ** органлари ходимлари томонидан “**ФХДЁ**нинг ягона электрон архиви” ахборот тизимига киритилаётган маълумотларнинг тўғрилигини архивдаги мавжуд хужжатлар билан солиштириш орқали назорат қиласди;

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларида қайд этилган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг биринчи нусхаси сақланаётган Тошкент шаҳар худудий бошқармасининг **ФХДЁ** архиви далолатнома ёзувларга ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритади.

**12. ФХДЁ** органлари ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларни манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласган ҳолда амалга оширади.

### **3-боб. **ФХДЁ** органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**13. ФХДЁ** органлари қуидаги ҳуқуқларга эга:

қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда жисмоний ва юридик шахслардан фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш учун зарур бўлган маълумотлар ва хужжатларни талаб қилиб олиш;

Вазирлик ва худудий адлия органларига ФХДЁ соҳасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда Вазирлик томонидан тасдиқланадиган жисмоний шахсларга кўрсатиладиган пулли хизматлар рўйхатларига мувофиқ фуқароларга пулли хизматлар кўрсатиш.

ФХДЁ органлари қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа хукуқларга ҳам эга.

#### 14. ФХДЁ органлари:

фуқароларга ўз хукуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши, уларнинг хукуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериши;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиши вақтида фуқаролар томонидан қонунчилик бузилганлиги аниқлаган тақдирда, зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли ташкилотларга бу ҳақда хабар қилиши;

қонун хужжатларига зид бўлган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этишни рад қилиши;

архив фондини юритиши ва сақлаши;

Вазирлик ва худудий адлия органларининг топшириқларини бажариши ва уларга ФХДЁ органлари фаолиятига оид масалалар юзасидан маълумотлар тақдим қилиши;

ФХДЁ органларининг фаолияти юзасидан белгиланган тартибда Вазирлик ва худудий адлия органларига ҳисбот бериши шарт.

ФХДЁ органларига қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

#### 4-боб. ФХДЁ органлари фаолиятини ташкил этиш

15. ФХДЁ органи раҳбари лавозимига қўйидаги талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси тайинланиши мумкин, мазкур Низомнинг 18-бандида назарда тутилган ҳолат бундан мустасно:

йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган;

олий юридик маълумотга эга ёки Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиши марказининг олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларини тугатган ва белгиланган намунаидаги диплом олган шахслар;

юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик, шу жумладан ФХДЁ органида камида икки йиллик иш стажига эга бўлган.

ФХДЁ органи раҳбарлигига номзод шахс, қоида тариқасида, ФХДЁ органи раҳбарлигига захирада турган бўлиши лозим.

Тегишли танловдан белгиланган тартибда ўтмаган шахслар ФХДЁ органи раҳбарлигига қабул қилиниши мумкин эмас.

16. ФХДЁ органи раҳбари ҳудудий адлия органлари раҳбарлари томонидан Вазирлик билан келишилган ҳолда тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

17. Мазкур Низомнинг 15-банди тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган талаблар адлия органлари ва муассасаларида бошқарув лавозимларда ишлаётган ходимларга нисбатан татбиқ этилмайди.

18. ФХДЁ органи раҳбари лавозимига қўйиладиган талабларга жавоб берадиган номзод топилмаган тақдирда, ушбу лавозимга мазкур Низомнинг 16-бандига мувофиқ юридик мутахассислик бўйича камида ўрта маҳсус маълумотга ва ФХДЁ органида камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс тайинланиши мумкин.

**19. ФХДЁ органи раҳбари:**

ФХДЁ органи фаолиятини ташкил этади, режалаштиради, Вазирликнинг топшириклари белгиланган муддатларда ва сифатли ижро этилишини таъминлайди;

катъий ҳисобда турувчи гербли гувоҳномалар бланкларининг белгиланган тартибда ҳисобга олиниши, сақланиши ва сарфланишини таъминлайди;

гербли муҳр ва штампларнинг бут сақланишини таъминлайди;

жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабулини ташкил қиласди;

хизмат сири ҳисобланган маълумотларни ФХДЁ органлари ходимлари томонидан ошкор этилмаслигини таъминлаш чораларини кўради;

ФХДЁ органлари ходимлари томонидан меҳнат ва ижро интизомига ҳамда ички тартиб қоидаларга риоя этилишини назорат қиласди;

ФХДЁ органи ходимларини рағбатлантириш ёки уларга интизомий чоралар кўриш ҳақида ҳудудий адлия органга таклифлар киритади;

бўш (вакант) ўринларни тўлдириш бўйича ҳудудий адлия органга таклифлар киритади.

20. ФХДЁ бўлими мудири мазкур Низомнинг 19-бандида назарда тутилганлардан ташқари:

қонунда белгиланган тартибда худудий адлия органнинг топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

никоҳни қайд этишда узрли сабаблар бўлганида аризачиларнинг илтимосларига кўра қонунда белгиланган бир ойлик муддатни қисқартиради ёки узайтиради;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш дафтарларининг ва бошқа хужжатларнинг юритилиши ва рўйхатга олинишини назорат қиласди;

никоҳни ва туғилганликни тантанали равишда қайд этиш учун шартшароитлар яратиш чораларини кўради;

фуқаролик ҳолати далолатномалари ўз вақтида тўғри ва тўлиқ тўлдирилишини таъминлайди.

фуқаролик ҳолати далолатномаларини “ФХДЁнинг ягона электрон архиви”га ўз вақтида тўғри ва тўлиқ киритилишини таъминлайди.

21. ФХДЁ органи раҳбари ФХДЁ органига юклатилган вазифа, функциялар ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

22. ФХДЁ органи раҳбари вақтинча бўлмаган ҳолларда (мехнат таътили, хизмат сафари, бетоблиги) унинг вазифаларини бажариш тегишли худуддаги адлия органи бошлигининг буйруғи билан 1-тоифали инспекторлар ёки бошқа ходимлар зиммасига юклатилади.

23. ФХДЁ органининг 1-тоифали инспектори лавозимида олий юридик маълумотга ва 2-тоифали инспектори лавозимида юридик мутахассислик бўйича, қоида тариқасида, ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тайинланади.

1 ва 2-тоифали инспектор лавозимида Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказининг олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларини тугатган ва белгиланган намунаидаги диплом олган шахслар ҳам ишлаши мумкин.

24. ФХДЁ органининг 1-тоифали инспектори лавозимида олий юридик маълумотли номзод топилмаган тақдирда, ушбу лавозимга мазкур Низомда белгиланган тартибда юридик мутахассислик бўйича ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган шахс тайинланиши мумкин.

25. 1 ва 2-тоифали инспекторлар ва иш юритувчилар тўғридан-тўғри худудий адлия органи бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Истисно ҳолларда, ФХДЁ органи раҳбари, 1 ва 2-тоифали инспекторлари Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимидан озод этилиши мумкин.

26. 1-тоифали инспектор вақтингча бўлмаган ҳолларда (мехнат таътили, хизмат сафари, бетоблиги) унинг вазифаларини 2-тоифали инспектор бажаради.

27. ФХДЁ бўлимида З нафар ва ундан ортиқ инспектор мавжуд бўлганда иш юритувчи лавозими жорий этилади.

28. ФХДЁ органлари ходимлари ўзи, эри ёки хотини, ўзининг ва унинг қариндошлари (ота-оналари, болалари, неваралари, боболари, бувилари, туғишган ака-укалари ва опа-сингиллари) тўғрисида фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этишга ёки уларга тегишли ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга ҳақли эмас. Бунда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари худудий адлия органининг ёзма кўрсатмасига асосан бошқа ходим томонидан ёки бошқа ФХДЁ органида қайд этилади ва бу ҳақда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувининг белгилар устунига тегишли изоҳ киритилади.

29. ФХДЁ органи раҳбарлари ва инспекторлари илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

30. ФХДЁ органлари ходимлари малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан амалга оширилади.

31. ФХДЁ органи ходимларининг вазифалари, хукуқ ва мажбуриятлари тегишли лавозим йўриқномаларида белгиланади.

ФХДЁ органи ходимларининг лавозим йўриқномаси худудий адлия органлари бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

32. ФХДЁ органлари ходимларига Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда мартаба даражалари берилади.

## **5-боб. ФХДЁ органларининг штатлар жадвали**

33. ФХДЁ органларининг ходимлари сони Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ белгиланади.

34. ФХДЁ органлари штатлар жадвали белгиланган штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида худудий адлия органи томонидан тасдиқланади.

## **6-боб. Якунловчи қоида**

35. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “20” октябрдаги 550-сон қарорига  
2-илова

**Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари  
ходимларининг сонини белгилаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (кейинги ўринларда – ФХДЁ) органлари ходимлари сонини белгилаш тартибини назарда тутади.

2. ФХДЁ органлари қуидагилар ҳисобланади:

туман ва шаҳар ФХДЁ бўлимлари (кейинги ўринларда – ФХДЁ бўлимлари);

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг ФХДЁ архивлари (кейинги ўринларда – ФХДЁ архивлари).

3. Қуидагилар ФХДЁ органлари ходимлари ҳисобланади:

мудир;

1 ва 2-тоифали инспектор;

иш юритувчи (техник ходимлар).

4. ФХДЁ бўлимлари ва ФХДЁ архивлари ходимлари сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

ФХДЁ бўлимлари Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан мавжуд штатлар доирасида ташкил этилади ва тугатилади.

ФХДЁ органлари ходимлари сони кўпи билан бир йилда бир марта белгиланади.

Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш учун ФХДЁ органлари харажатлари, шу жумладан ягона ижтимоий тўлов (мартаба даражаси ва белгиланган хизмат муддати учун устамалар тўлови бундан мустасно) давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

**2-боб. ФХДЁ органлари ходимлари сонини белгилаш мезонлари**

5. Ҳар бир ФХДЁ органида:

ФХДЁ бўлимларида – мудир ва 1-тоифали инспектор;

ФХДЁ архивларида – мудир, 1 нафар 1-тоифали ва 1 нафар 2-тоифали инспектор лавозимлари жорий этилади.

6. ФХДЁ бўлимлари инспекторларининг иккинчи ва ундан кейинги лавозимларини белгилашда жамланган ҳолда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинади:

а) тегишли туман ва шаҳар ҳудудида рўйхатдан ўтказилган қуйидаги фуқаролик ҳолати далолатномалари (туғилиш, ўлим, никоҳ ва никоҳни бекор қилиш), далолатнома ёзувларига киритилган ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиришлар, берилган такрорий гувоҳномалар ва маълумотномалар, халқаро шартномалар бўйича кўрсатилган ҳуқуқий ёрдамлар ва экстерриториал тамойил асосида кўрсатилган хизматларнинг ўртacha ойлик сони.

Бунда, бир ходимга (мудир ва иш юритувчи бундан мустасно) рўйхатдан ўтказилган фуқаролик ҳолати далолатномалари, далолатнома ёзувларига киритилган ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиришлар, берилган такрорий гувоҳнома ва маълумотномалар, халқаро шартномалар бўйича кўрсатилган ҳуқуқий ёрдамлар ва экстерриториал тамойил асосида кўрсатилган хизматларнинг сони ойига камида 250 – 300 та бўлиши керак;

б) хизмат кўрсатиладиган туман ва шаҳар ҳудудидаги аҳоли сони. Бунда, хизмат кўрсатиладиган ҳудуд аҳолиси сони 50 минг кишидан 100 минг кишигача бўлганда – 1 нафар инспектор, 100 минг кишидан 150 минг кишигача бўлганда – 2 нафар инспектор, 150 минг кишидан 200 минг кишигача бўлганда – 3 нафар инспектор ва 200 минг ва ундан ортиқ киши бўлганда – 4 нафар инспектор лавозими жорий этилади.

7. ФХДЁ органида инспекторларнинг 4 ва ундан ортиқ лавозимлари мавжуд бўлганда, 1-тоифали инспекторлар улар умумий сонининг ярмидан ортигини ташкил этмаслиги керак.

8. Ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган мезонларга қўшимча равища ФХДЁ бўлимидаги инспекторлар лавозимлари сонини белгилашда аниқ ҳолатлардан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиладиган ҳудуд чегараларида аҳоли пунктларининг бир-биридан узоқлиги ва улар ўртасидаги мавжуд транспорт ҳаракати ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

9. ФХДЁ архивлари инспекторларининг учинчи ва ундан кейинги лавозимларини белгилашда жамланган ҳолда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинади:

архив фондидаги мавжуд ҳужжатлар йиғмажилди сони. Бунда, инспекторлар сони бир ходимга ҳар бирида бир йилда 250 тадан варақ бўлган 4000 та ҳужжатлар йиғмажилди ҳисобидан белгиланади;

ФХДЁ бўлиmlаридан тушган хабарномалар бўйича фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувига киритилган қайдлар сони. Бунда, инспекторлар сони бир ойда бир ходимга 450 – 500 та киритилган қайдлар ҳисобидан келиб чиқиб белгиланади;

берилган маълумотномалар, тақрорий гувоҳномалар ва фуқаролик ҳолати далолатномаларидан кўчирмалар сони. Бунда, инспекторлар сони бир ойда бир ходимга бериладиган юклама 250 – 300 та ҳужжат ҳисобидан келиб чиқиб белгиланади.

10. **ФХДЁ** органида 3 нафар ва ундан ортиқ инспектор мавжуд бўлганда иш юритувчи лавозими жорий этилади.

### **З-боб. ФХДЁ органлари ходимлари сони тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш**

11. **ФХДЁ** бўлимлари ва **ФХДЁ** архивлари ходимлари сони тўғрисидаги таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Вазирликка киритилади.

12. **ФХДЁ** бўлимлари ходимлари сони тўғрисидаги таклифларга туман ва шаҳар бўйича қуидаги маълумотлар мавжуд бўлган материаллар илова қилинади:

охирги уч йилда **ФХДЁ** бўлимлари томонидан рўйхатдан ўтказилган фуқаролик ҳолати далолатномалари, далолатнома ёзувларига киритилган ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиришлар, берилган тақрорий гувоҳномалар ва маълумотномалар, халқаро шартномалар бўйича кўрсатилган хукуқий ёрдамлар ва экстерриториал тамойил асосида кўрсатилган хизматларнинг сони;

ахоли сони;

ушбу таклифни асослайдиган бошқа маълумотлар.

13. **ФХДЁ** архивлари инспекторлари сони тўғрисидаги таклифларга қуидаги маълумотлар илова қилинади:

охирги уч йилда архив фондидаги мавжуд ишлар сони;

охирги уч йилда фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувига киритилган қайдлар сони;

охирги уч йилда берилган маълумотномалар, тақрорий гувоҳномалар ва фуқаролик ҳолати далолатномаларидан кўчирмалар сони;

ушбу таклифни асослайдиган бошқа маълумотлар.

14. **ФХДЁ** органлари ходимларининг сони тўғрисидаги таклифлар Вазирлик томонидан умумлаштирилади ва келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритилади.

15. **ФХДЁ** органлари ходимларининг сони тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан белгиланган тартибда келишилгандан кейин Вазирлик томонидан мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ тегишли қарор қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “20” октябрдаги 550-сон қарорига  
3-илова

## Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш ҚОИДАЛАРИ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (кейинги ўринларда – ФХДЁ) органлари шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йигинлари (кейинги ўринларда – фуқаролар йигини) раислари ва Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари (кейинги ўринларда – Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари) томонидан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибини белгилайди.

Куйидагилар ФХДЁ органлари ҳисобланади:

туманлар ва шаҳарлар ФХДЁ бўлимлари (кейинги ўринларда – ФХДЁ бўлимлари);

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг (кейинги ўринларда – худудий адлия органлари) ФХДЁ архивлари (кейинги ўринларда – худудий адлия органларининг ФХДЁ архивлари).

2. ФХДЁ органлари, фуқаролар йигинлари ва Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишга доир ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига, ушбу Қоидаларга ҳамда ФХДЁ органлари фаолиятига тааллуқли бошқа норматив-хукуқий хужжатларга мувофиқ амалга оширади.

3. ФХДЁ органларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ва тизимли назоратни олиб бориш, “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимини юритиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

ФХДЁ органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ФХДЁ органларини, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларини ва фуқаролар йигинларини мазкур Қоидаларга 1 – 4а-иловаларга мувофиқ намуналар бўйича қатъий ҳисобда турувчи гербли гувоҳномалар бланкалари билан таъминлайди.

4. ФХДЁ органлари, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари ва фуқаролар йигинлари фуқаролик ҳолати далолатномаларининг ёзув бланклари ва бошқа ҳужжатлар билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан таъминланади.

5. ФХДЁ органлари тегишли ёзувлар орқали куйидаги фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этади:

- түғилганлик ҳақида;
- никоҳ тузиш ҳақида;
- никоҳдан ажралиш ҳақида;
- ўлим ҳақида.

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари (кейинги ўринларда – далолатнома ёзувлари) давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар ҳисобланади, бир нусхада тузилади ва ФХДЁ органларида қайд этилган вақтдан бошлаб 75 йил мобайнида сақланади.

Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинсни ўзгартириш каби воқеа ва фактлар юқорида санаб ўтилган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларида уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали акс эттирилади.

6. Фуқаролар йигинлари ўлимни фуқаролик ҳолати далолатномаси ёзиш йўли билан амалга оширади.

Бунда фуқаролар йигинлари томонидан шахси аниқланмаган ва суд томонидан вафот этган деб эълон қилинган шахсларнинг ўлимини қайд этилишига йўл қўйилмайди.

7. Ўзбекистон Республикасининг чет элда яшовчи фуқароларига нисбатан мазкур Коидаларнинг 5-бандида кўрсатилган ҳаракатларни Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари амалга оширади.

Консул Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий ёки вақтинча яшовчи фуқароларидан, фуқаролик ҳолатини Ўзбекистон Республикасида қайд эттирган хорижий давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслардан далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш, далолатнома ёзувларини тиклаш, шунингдек фамилияси, исми ва отасининг исмини ўзгартириш тўғрисидаги аризаларни тегишли ҳужжатлар билан бирга қабул қилиб олади ва ушбу ҳужжатларни ваколатли органларга кўриб чиқиш учун юборади.

Фуқаролик ҳолати далолатномасини қайд эттириш масаласида консулга мурожаат этган шахслардан бири Ўзбекистон фуқароси, иккинчиси эса чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ҳолларда фуқаролик ҳолати далолатномасини қайд этиш, агар Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси фаолият кўрсатаётган давлатнинг қонунларига, Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномалар ёки битимларга зид бўлмасагина амалга оширилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган шартномада Ўзбекистон Республикасининг оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларида кўрсатилмаган бошқача нормалар назарда тутилган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

8. Фуқаролик ҳолатларини қайд этишда Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари томонидан консуллик йифими қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилади.

9. Далолатнома ёзувларини қайд этиш қўйидаги ҳолатларда рад қилиниши мумкин:

агар далолатнома ёзувини қайд этиш қонунчиликка зид бўлса;

агар тақдим этилган ҳужжатлар уларга нисбатан ушбу Қоидаларда ва бошқа қонун ҳужжатларида қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

агар далолатнома ёзувини қайд эттириш учун мурожаат қилган шахс бунга ҳукуқли бўлмаса ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса.

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш рад қилинган шахснинг талабига кўра ФХДЁ органи ўн беш кун муддатда ушбу шахсга ёзма ёки электрон шаклда рад этиш сабабини маълум қилиши лозим.

10. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишнинг рад қилиниши бўйича бўйсуниш тартибида ҳудудий адлия органлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки судга белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

11. Консулнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда рад этиш масалалари бўйича ҳаракатлари юзасидан бўйсуниш тартибига кўра Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатдаги дипломатик ваколатхонаси раҳбарига, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ёки Ўзбекистон Республикаси судига белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

12. ФХДЁ органлари ходимлари, шунингдек консул ўзи, эри ёки хотини ўзининг ва унинг қариндошлари (ота-оналари, болалари, неваралари, боболари, бувилари, туғишиган ака-ука, опа-сингиллари) тўғрисида далолатнома ёзувларини қайд этишга ёки уларга тегишли ўзгартириш, тузатиш ва кўшимчалар киритишга ҳақли эмаслар.

Бундай ҳолатларда далолатнома ёзувларини қайд этиш ёки уларга ўзгартиришлар, тузатишлар ва кўшимчалар киритиш бўйсуниш тартибида юқори органнинг ёзма кўрсатмаси асосида бошқа ходим томонидан ёки бошқа ФХДЁ органида амалга оширилади. Далолатнома ёзувларининг “Белгилар учун” устунига бу тўғрида тегишли ёзув киритилади.

## **2-боб. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишнинг ҳуқуқий аҳамияти**

13. Қонун фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоялашни ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролар ҳаётидаги муҳим воқеалар – туғилиш, никоҳ тузиш, ўлим ва инсоннинг муҳим субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг юзага келиши, ўзгариши ва тўхтатишига сабаб бўладиган бошқа ҳолатларнинг ваколатли органларда қайд этилишини белгилайди.

Фуқаролик ҳолатини қайд этиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари пайдо бўлишига сабаб бўлиб хизмат қилувчи ҳужжат (гербли гувоҳнома) бериш учун асос бўлади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишнинг аҳамияти шундаки, унга асосан **ФХДЁ** органи томонидан берилган гувоҳнома ва унда кўрсатилган фактнинг тўғрилигини тасдиқловчи шаксиз далил ҳисобланади.

Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома боланинг туғилганлигини, унинг отаонаси ким эканлигини тасдиқловчи ягона ҳужжатдир.

Никоҳ қайд этилганлиги ҳақида гувоҳнома – бу никоҳдан ўтган шахсларнинг эр-хотинлигини тасдиқловчи ва улар ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келганлигини ифодаловчи ҳужжатдир.

Никоҳдан ажралганлик ҳақида гувоҳнома никоҳда бўлган шахсларнинг никоҳи тугатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Ўлим тўғрисидаги гувоҳнома шахснинг ўлимини ва унинг ҳуқуқий лаёқати тугатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

14. Туғилиш ва ўлимнинг ўз вақтида қайд этилиши, туғилганлик тўғрисидаги тиббий маълумотноманинг, шунингдек перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий маълумотноманинг тўғри ва аниқ тўлдирилганлиги учун масъулият Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларида туман ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимлари раҳбарлари зиммасига юкланди.

### **3-боб. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи органлар**

15. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш туман ва шаҳарларда **ФХДЁ** органлари томонидан амалга оширилади, ўлим эса шаҳарча, қишлоқ ва овулларда фуқаролар йиғинлари раислари томонидан ҳам қайд этилиши мумкин.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўлимни қайд этиш борасидаги ҳаракатлари ўзлари туродиган худудлардаги тегишли **ФХДЁ** органларининг назорати остида бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий ёки вақтинча яшовчи фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш консул томонидан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Консул вақтинча бўлмаганда фуқаролик ҳолати далолатномалари консул томонидан тайинланган консулликнинг мансабдор шахси томонидан қайд этилади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари бўлмаган хорижий давлатларда фуқаролик ҳолати далолатномалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан белгиланган бошқа хорижий давлатдаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан қайд этилади.

#### **4-боб. Туғилғанликни қайд этиш**

##### **1-§. Туғилғанликни қайд этиш тартиби**

16. Боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, ФХДЁ органи томонидан амалга оширилиши лозим.

Ота-онанинг истагига кўра ФХДЁ органи боланинг туғилғанлигини қайд этишни тантанали вазиятда ўtkазиши мумкин.

17. Туғилғанлик ҳақидаги ариза бола туғилған қундан бошлаб бир ой муддат мобайнида оғзаки ёки ёзма шаклда берилиши зарур.

Бола туғилғанлиги тўғрисидаги ариза ота-онаси ёки улардан бири, алоҳида ҳолларда эса қариндошлари, қўшнилари ёки ота-онаси ёхуд ота-онасидан бири ваколат берган бошқа шахслар, шунингдек тиббиёт муассасаларининг, ички ишлар ёки васийлик ва ҳомийлик органларининг мансабдор шахслари томонидан берилиши мумкин.

18. Белгиланган муддатнинг ўтиб кетганлиги туғилғанликнинг қайд этилишига тўсқинлик қила олмайди.

Бунда, ўн олти ёшгача бўлган боланинг туғилишини қайд этиш учун ФХДЁ органига туғилишни қайд этиш муддатини ўтказиб юборганлик сабаблари кўрсатилган ариза боланинг ота-онаси, ота-онанинг қонуний никохи мавжуд бўлган ҳолларда улардан бири ёки ишончнома асосида бошқа манфаатдор шахс, ота-онанинг ўрнини босувчи шахс ёхуд васийлик ва ҳомийлик органларининг мансабдор шахслари томонидан тақдим этилади.

Бундай ҳолларда ФХДЁ органи туғилиш фактини тасдиқловчи хужжатга қўшимча равишда қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа хужжатларни ҳам талаб қиласди.

Агар туғилғанликни қайд этиш тўғрисидаги ариза белгиланган муддатдан ўтказилиб берилган бўлса, туғилиш туғилғанлик тўғрисидаги далолатномаларни қайд этиш жорий рўйхатга олиш дафтарига қайд этилади.

19. 16 ёшдан ошган тиббий муассасадан ташқарида ва тиббий ёрдамсиз туғилған болага нисбатан тиббиёт муассасаси томонидан туғилғанлик ҳақидаги маълумотнома расмийлаштирилмаган шахсларнинг туғилғанлигини қайд этиш суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилади.

Агар бола 16 ва ундан катта ёшда бўлса ва унга нисбатан тиббиёт муассасаси томонидан расмийлаштирилган туғилғанлик ҳақидаги тиббий маълумотнома мавжуд бўлса, унинг туғилиши ота-она ёки улардан бири ва вояга етган боланинг аризасига кўра қайд этилади.

20. Туғилғанликни қайд этиш учун: бола туғилғанлиги тұғрисидаги тиббий маълумотномаси (туғилғанликни комплекс давлат хизмати сифатида қайд этиш бундан мустасно), ота-оналарининг шахсини тасдиқловчи хужжатлари (фуқаролик паспорти, хорижга чиқиши паспорти, идентификацияловчи ID-карта, ҳарбий хизматчининг ҳарбий билети), никоҳ тузилғанлиги тұғрисидаги гербли гувоҳнома ёки оталикни белгилаш ҳақидаги ариза ёхуд никоҳда бўлмаган онанинг аризаси тақдим этилади.

Боланинг туғилғанлик тұғрисидаги тиббий маълумотномада:

онанинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, туғилған санаси, миллати, фуқаролиги, оиласвий аҳволи, маълумоти;

боланинг туғилған вақти, санаси ва жойи, жинси, вазни, бўйи;

ҳомиладорлик муддати, ҳисоб бўйича нечанчи ҳомиладорлик;

боланинг тирик туғилғанлиги мезонлари (нафас олиши, юрак уриши, киндик пульсацияси, мускулларнинг беихтиёрий қисқариши);

тиббий маълумотноманинг берилған вақти, тартиб рақами ва тиббиёт муассасасининг номи тұғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши зарур.

Бола туғилғанлиги тұғрисидаги маълумотнома тиббиёт муассасаси мансабдор шахси томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Туғруқхоналардан ташқари жойларда ва тиббий ёрдамсиз туғилған боланинг туғилғанлигини қайд этиш участка шифокори (фельдшер ёки акушер) томонидан берилған маълумотнома асосида амалга оширилади.

Бундай ҳолатларда боланинг ушбу онадан туғилғанлигига гувоҳ бўлганлар иштирокида тузилған ва участка шифокори (фельдшер ёки акушер) тасдиқлаган далолатнома тиббий маълумотнома бериш учун асос ҳисобланади.

Тиббий маълумотнома бола туғилғанлиги тұғрисидаги далолатнома ёзуви билан бирга тикиб қўйилади.

Ота-оналардан бирининг шахсини тасдиқловчи хужжат бўлмаган алоҳида ҳолларда ФХДЁ органи туғилғанликни қайд этишни рад қилиши мумкин эмас. Бунда хужжатлари бўлмаган ота ёки она ҳақида маълумотлар никоҳ тузилғанлиги ёки аввалги болаларининг туғилғанлиги ҳақидаги гувоҳномалари асосида кўрсатилади.

Ота-онанинг шахсини тасдиқловчи хужжатлар бўлмаганда боланинг туғилғанлигини қайд этиш тиббиёт муассасасининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг ёзма мурожаатларига асосан амалга оширилади.

Вояга етмаган ота-она (улардан бири) нинг туғилған боласи умумий асосларда рўйхатдан ўтказилади.

Бунда, ўзаро қонуний никоҳда бўлмаган вояга етмаган ота-онанинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг иштироки талаб этилади.

21. Ота-онаси никоҳда бўлган боланинг туғилиши тўғрисидаги далолатномани ёзиш шахсни тасдиқловчи хужжатлар ва никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома асосида амалга оширилади.

Бола туғилгунга қадар унинг отаси вафот этган вақтдан, ота-онаси никоҳи бекор қилинганлигидан ёки ота-онасининг никоҳи суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган санадан кейин 300 кундан кўп вақт ўтмаган бўлса отаси тўғрисидаги маълумотлар худди шундай тартибда ёзилади.

Бундай ҳолларда ариза берувчи томонидан никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома, суднинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги қароридан кўчирма (нусха) ёки никоҳни ҳақиқий эмас деб топганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган қароридан кўчирма (нусха) ёки отасининг ўлимни ҳақидаги гувоҳномаси тақдим этилиши керак. Далолатнома ёзувининг “Белгилар учун” устунида никоҳдан ажралиш ёки ўлимнинг қайд этилган жойи ва санаси, далолатнома ёзувининг тартиб рақами, қарорни чиқарган суднинг номи ва қарорнинг санаси кўрсатилади.

Боланинг насл-насаби хусусидаги барча низолар суд тартибида ҳал қилинади.

22. Агар ота-оналари ўртасида никоҳ қайд этилмаган бўлса (туғилишни қайд этишда онаси иштирок этмаган тақдирда) боланинг отаси ҳақидаги ёзув онанинг нотариал ёки тиббий муассаса томонидан тасдиқланган аризаси бўйича амалга оширилади.

Бунда бола отасининг фамилияси туғилганлиги тўғрисидаги далолатнома ёзувида онасининг фамилияси бўйича, бола отасининг исми, ота исми ва миллати онанинг кўрсатмаси бўйича қайд этилади.

23. Боланинг туғилганлигини қайд этишда унга фамилия ота-онасининг келишувига кўра ота ёки онанинг фамилияси, шунингдек миллий анъаналарга мувофиқ ота ёки она томонидан бобонинг исми бўйича берилади. Келишув бўлмаган тақдирда низолар васийлик ва ҳомийлик органи, консуллик округида эса – консул томонидан ҳал этилади.

24. Болага исм ота-онанинг розилигига кўра берилади. Болага қўшалоқ исм беришга йўл қўйилади (Саидаҳмадхўжа, Тўхтамуроджон, Гулираъно, Мирзаолим, Мирзо Улуғбек, Роза-Мария).

Болага, унинг манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда, келгусида унинг шаъни ва қадрини камситиши мумкин бўлган исм берилишига йўл қўйилмайди. Бола исмига доир келишув мавжуд бўлмаганда юзага келган келишмовчилик васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

25. Боланинг ота исми унинг отасининг исмига кўра берилади. Отаси ҳақида маълумотлар туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви ва гувоҳномада ёзувлар шахсни тасдиқловчи хужжатлар асосида ўзгартиришсиз ёзилади.

Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида “Отаси” ва “Онаси” устунларини очик қолдириш қатъяян ман этилади.

26. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни 15-моддасига асосан агар отанинг фамилияси, исми ва ота исмидан имло хатоликлари мавжуд бўлса, ота-онанинг хоҳишига кўра боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви имло хатоликлари бартараф этилган ҳолда қайд қилиниши мумкин.

Боланинг фамилиясига “-ев”, “-ов”, “-ева”, “-ова” каби ҳамда ота исмига “-евич”, “-ович”, “-евна”, “-овна”, “қизи”, “үғли”, “-ий”, “-хон”, “-хўжа”, “-хожи”, “-бек”, “-зода”, “мир-”, “абду-” каби қўшимчаларини киритиш ёки шу каби қўшимчаларни фамилия ва ота исмидан олиб ташлаш орқали туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилиши мумкин.

27. Туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилгач, ариза берувчига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома берилади.

ФХДЁ органлари томонидан туғилишни қайд этишда жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномага киритилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Персоналлаштириш агентлиги томонидан жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами реал вакт режимида автоматик равишда шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан ариза берувчига белгиланган тартибда тегишли нафақа тайинланиши учун “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали хабарнома юборилади.

28. Эгизак (иккита ва ундан ортиқ) болалар туғилганда уларнинг ҳар бири учун туғилганлик ҳақида тиббий маълумотнома тақдим этилиши керак, улар асосида туғилганлик ҳақида алоҳида-алоҳида далолатнома ёзувлари, тартиб рақамлари ёзилган ҳолда қайд этилиб, уларнинг ҳар бирига туғилганлик ҳақида алоҳида гербли гувоҳномалар берилади.

29. Топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлигини қайд этиш ички ишлар, васийлик ва ҳомийлик органлари, бола жойлаштирилган муассаса маъмурияти ёки тиббиёт муассасасининг аризасига биноан амалга оширилади. Болани топиб олган шахс бу ҳақда йигирма тўрт соат мобайнинда ушбу тумандаги ички ишлар органига ёки васийлик ва ҳомийлик органига хабар бериши керак.

30. Ички ишлар, васийлик ва ҳомийлик органлари, бола жойлаштирилган муассаса ёки тиббиёт муассасаси маъмурияти бола топилганидан кейин етти иш кунидан кечикмаган муддатда ФХДЁ органларига топиб олинган (ташлаб кетилган) болани қайд этиш ҳақида мурожаат этишлари шарт.

Топиб олинган (ташлаб кетилган) бола туғилғанлигини қайд этиш ҳақидаги аризада боланинг топиб олинган вақти, жойи ва топиб олинган пайтдаги ҳолати, ёши, жинси, вазни ва бўйи ҳақидаги маълумотлар аниқ кўрсатилиши зарур.

Топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилғанлик ҳақидаги далолатнома ёзувига ота-онасининг фамилияси, исми ва миллати тўғрисидаги маълумотлар ички ишлар, васийлик ва ҳомийлик органлари, бола жойлаштирилган муассаса ёки тиббиёт муассасаси маъмуриятининг кўрсатмалари асосида киритилади. Бундай ҳолда боланинг ва унинг ота-онаси сифатида кўрсатилган шахсларнинг фамилияси бир хилда ёзилади.

Онаси томонидан ташлаб кетилган болани қайд этиш бола жойлаштирилган тиббиёт муассасаси ёхуд бола жойлашган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органи аризасига мувофиқ, боланинг онаси томонидан ташлаб кетилганидан 7 кун ўтмасдан амалга оширилади. Онаси томонидан ташлаб кетилган болани қайд этиш учун аризада боланинг ташлаб кетилган вақти, жойи ва ташлаб кетилган пайтдаги ҳолати, ёши, жинси, вазни ва бўйи ҳақидаги маълумотлар аниқ кўрсатилиши зарур.

Онаси томонидан ташлаб кетилган боланинг фамилияси, исми, ота исми тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек ота-она тўғрисидаги маълумотлар туғилғанлик ҳақидаги далолатнома ёзувига юқорида кўрсатилган органларнинг кўрсатмасига биноан киритилади. Бундай ҳолда боланинг ва унинг ота-онаси сифатида кўрсатилган шахсларнинг фамилияси бир хилда ёзилади.

31. Ўлик туғилган боланинг туғилғанлигини, шунингдек ҳаётининг биринчи ҳафтасида ўлган (перинатал ўлим) болаларнинг туғилғанлиги ва ўлимини қайд этиш тиббий муассаса ёки ушбу муассасанинг топиб олинган жойдаги суд-тиббий экспертиза муассасасининг ёзма мурожаатига биноан мазкур ҳудуддаги ФХДЁ органи томонидан 24 соат мобайнида амалга оширилади.

Эгизаклардан бири ўлик туғилганда ёки ҳаётининг биринчи ҳафтасида (перинатал ўлим) вафот этганда ўлик туғилган ёки вафот этган болани қайд этиш тирик эгизак туғилғанлигини қайд этган ўша ФХДЁ органи томонидан амалга оширилади.

Ўлик туғилган болани туғилишини қайд этиш перинатал ўлим тўғрисидаги тиббий маълумотнома асосида фақат туғилғанлик ҳақида далолатнома ёзувларини рўйхатдан ўтказиш дафтарида амалга оширилади.

Агар бола туғилғандан кейин вафот этса, ҳатто у бир неча дақиқа яшаса ҳам, туғилғанлик ҳамда ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувлари тузилади.

Бундай ҳолларда туғилиш ҳақидаги далолатнома ёзуви туғилғанлик ҳақидаги тиббий маълумотнома асосида, ўлганлиги ҳақидаги далолатнома ёзуви эса – перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома асосида амалга оширилади.

Бунда туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуvida онаси тұғрисидаги маълумотлар түлиқ келтирилади, “Белгилар учун” устунида эса ўлганлиги қайд этилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувининг тартиб рақами ва санаси кўрсатилади. Бундай ҳолларда боланинг ўлими ҳақида (ўлик туғилганда ҳам) белгиланган тартибда тегишли нафақа тайинланиши учун ўлим ҳақида хабарнома Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига электрон ахборот тизими орқали юборилади.

Дафн қилиш учун қабристонга маълумотнома берилади ва зарур ҳолларда ота-онасининг илтимосига кўра (ҳаётининг биринчи ҳафтасида вафот этган бола учун) ўлими ҳақида гувоҳнома берилиши мумкин.

32. Боланинг отаси билан никоҳда бўлмаган она вафот этган тақдирда, шунингдек онанинг яшаш жойи номаълум бўлганда ва оталикни белгилаш ҳақидаги ариза берилмагандан боланинг туғилишини қайд этиш мазкур Қоидаларнинг 29-бандида санаб ўтилган органларнинг ёзма мурожаати бўйича амалга оширилади.

33. Ота-оналик ҳукуқларидан маҳрум қилиш ҳақидаги маълумотлар суднинг қонуний кучга кирган қарорига асосан туғилиш ҳақидаги далолатнома ёзувининг “Белгилар учун” устунида кўрсатилади, далолатнома ёзуvida ота-она ҳақидаги маълумотлар чизиб ташланмайди ва ҳеч қандай ўзgartиришлар киритилмайди.

Бундай ҳолларда оталик-оналик ҳукуқларидан маҳрум қилинган шахсларга болаларининг туғилганлиги ҳақида такрорий гувоҳнома берилмайди.

Такрорий гувоҳнома вояга етмаган боланинг васийси ёки ҳомийсига берилиши мумкин.

34. Суднинг ота-оналик ҳукуқларини тиклаш тұғрисида қонуний кучга кирган қарорига асосан туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига “Ота-оналик ҳукуқлари тикланди” деган белги киритилади.

35. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига киритилган отаси ҳақидаги маълумотлар хар қандай ҳолда ҳам фақат суднинг қонуний кучга кирган қарорига асосан бекор қилиниши мумкин.

36. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, туғилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланиши мумкин бўлган боланинг туғилганлигини қайд этиш бола туғилган ёки унинг ота-онаси доимий ёки вақтинча яшаб турган консуллик округидаги консул томонидан амалга оширилади.

37. Ўзбекистон Республикаси фуқароси чет элда туғилган ва унинг туғилганлиги консуллик муассасаси томонидан қайд этилмаган тақдирда, туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви, фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, ФХДЁ органи томонидан хорижий давлатнинг ваколатли органлари томонидан берилган ва белгиланган тартибда легализация қилинган ёки апостиль қўйилган бола туғилганлигини тасдиқловчи тиббий хужжат тақдим этилгандан кейин қайд қилинади.

38. Туғилишни қайд этишнинг барча ҳолларида бола туғилган маъмурий худуд унинг туғилган жойи сифатида ёзилади.

## **2-§. Оталикни белгилаш**

39. Никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталикни белгилаш ота ва онаси (агар отаси вояга етмаган ҳисобланса, у ҳолда қонуний вакили) томонидан биргалиқда берилган аризаси ёки суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида ФХДЁ органида амалга оширилади.

40. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза, фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, ФХДЁ органи томонидан кўриб чиқилади.

41. Оталикни белгилаш ариза берилган куни ота-онасининг иштирокида амалга оширилади, ушбу Қоидаларнинг 45-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

42. Алоҳида ҳолларда оталикни белгилаш ҳақидаги ариза ФХДЁ органига бола туғилмасдан олдин ҳам берилиши мумкин.

Бундай ҳолатларда бола туғилгунга қадар унинг туғилган вақти ва исми ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмайди.

Боланинг туғилганлиги бошқа ФХДЁ органида қайд этилган тақдирда, олдиндан берилган аризани сақлаган ФХДЁ органи сўровнома бўйича уни қайд этиш жойига юборади.

43. Оталикни ишончнома бўйича белгилашга йўл қўйилмайди.

44. Агар оталик боланинг туғилганлиги қайд этилгандан сўнг белгиланса оталикни белгилаш ҳақидаги аризага ёки суднинг ушбу масала юзасидан қарорига боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси илова қилинади.

45. Оталикни белгилашда ота-оналардан бири иштирок этмаган тақдирда унинг имзоси қонунчиликда белгиланган тартибда (нотариус, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасининг масъул шахси ёки тиббиёт муассасаси, ФХДЁ органи, ҳарбий қисм ёки жазони ўташ муассасаси раҳбарининг имзоси ва муҳри билан) тасдиқланади.

46. Онаси вафот этганда, у суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки бедарак йўқолган деб топилганда ёхуд оналик хукуқларидан маҳрум этилганда, унинг яшаш жойини белгилашнинг имкони бўлмагандан вояга етмаган болага нисбатан оталикни белгилаш васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан отасининг аризасига асосан амалга оширилиши мумкин.

Бундай ҳолатларда аризага қўйидаги ҳужжатлардан бири:

онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

онаси муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисидаги суд қарорининг нусхаси;

онанинг оналик хукуқидан маҳрум этилганлиги тўғрисидаги суд қарорининг нусхаси;

онанинг бедарак йўқолган деб топилгани тўғрисидаги суд қарорининг нусхаси илова қилинади.

47. Агар боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, у ҳолда оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан унинг ҳомийси бериши мумкин.

48. Ота-онанинг биргаликдаги аризаси бўлмаган тақдирда оталик (агар отаси ёки онаси вояга етмаган бўлса) ота-оналардан бири ёки васийлик ва ҳомийлик органининг даъво аризаси бўйича суд тартибида белгиланиши мумкин.

Боланинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига отаси тўғрисидаги маълумотлар суд қарорига асосан киритилади. Бу ҳолда ФҲДЁ органига қонуний кучга кирган суд қарори ва боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси тақдим этилади.

49. Оталикни белгилаш ҳақидаги ариза маҳсус шаклда бўлиши, унда кўрсатилган барча саволларга аниқ ва тўлиқ жавоб бўлиши лозим. Ариза ФҲДЁ органида имзоланади, ундаги маълумотлар аризачининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан солиштириб кўрилади. Ҳар бир ариза унинг тушган кунида рўйхатга олинади.

50. 10 ёшга тўлган ва ундан катта ёшдаги болага нисбатан оталик унинг розилиги билан белгиланади. Бунда боланинг розилиги ота-онаси томонидан берилган аризада унинг шахсий имзоси билан ифодаланади ва унинг имзоси ФҲДЁ органи ходими томонидан тасдиқланади.

ФҲДЁ органи оталикни белгилаш ҳақидаги ариза асосида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Агар оталикни белгилаш 16 ёшга тўлган шахсга нисбатан амалга оширилса, у ҳолда ота тўғрисидаги маълумотлар ўзгартирилиши лозим. Бола тўғрисидаги маълумотлар фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тартиби ва қоидалари бўйича киритилади.

51. Оталик, боланинг отаси бошқа аёл билан қонуний никоҳда турганлигидан қатъи назар, белгиланади. Шу сабабли оталикни белгилашда унинг хотинининг розилиги талаб этилмайди.

52. Агар боланинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига отаси тўғрисидаги маълумотлар никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки оталикни белгилаш ҳақидаги аризага асосан киритилган бўлса, у ҳолда далолатнома ёзувида кўрсатилган ота ҳақидаги маълумотлар суд тартибида бекор қилинмай туриб, бошқа шахс томонидан бу болага нисбатан оталик белгиланиши мумкин эмас.

53. Агар боланинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзуви йўқолган бўлса, у ҳолда туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви тиклангандан сўнг оталик белгиланиши мумкин.

54. Агар туғилганликни қайд этиш ва оталикни белгилаш айни бир вактда амалга оширилса, у ҳолда болага фамилия ота-онанинг келишуви бўйича бир йўла берилади, отаси ҳақидаги маълумотлар берилган аризага биноан ёзилади. Бунда ёлғиз она аризаси талаб қилинмайди.

55. 16 ёшта тўлмаган шахсга оталик белгиланадиган ҳолларда боланинг ота исми отанинг исми бўйича ўзгартирилади (ёзилади).

Агар боланинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувида илгари кўрсатилган ота исми боланинг отаси деб ёзилган шахс исми билан тўғри келмаса, у ҳолда ФХДЁ органи оталикни белгилашни рад этишга ва ота-онасидан бу масала бўйича тушунтириш хати талаб қилишга ҳақли эмас.

56. Агар ота-онанинг никоҳи боланинг туғилганлиги қайд этилгандан кейин қайд этилган бўлса, ушбу никоҳ тузилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига боланинг отаси ҳақидаги маълумотни ёзиш учун асос бўлолмайди.

Бунда боланинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига отаси тўғрисидаги маълумотлар оталикни белгилаш ҳақидаги аризага мувофиқ киритилади.

57. Оталикни белгилаш ҳақидаги аризага асосан ФХДЁ органи боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига отаси тўғрисидаги маълумотларни шу куниёқ киритади ва туғилганлик ҳақида янги гувоҳнома беради.

58. Агар туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви бошқа ФХДЁ органида қайд этилган бўлса, у ҳолда оталикни белгилаш ҳақидаги аризани қабул қилган ФХДЁ органи далолатнома ёзувини қайд қилган ФХДЁ органига далолатнома ёзувига ўзгартериши ҳақида электрон ахборот тизими орқали хабарнома юборади.

Дастлабки далолатнома ёзувини қайд қилган ФХДЁ органи икки иш кунида далолатнома ёзувига зарур ўзгартериш киритиб, далолатнома ёзувини электрон ахборот тизими орқали тасдиқлайди ҳамда оталикни белгилаш ҳақидаги аризани қабул қилган ФХДЁ органи гербли гувоҳномани чоп этиб беради.

Ўзгартиришлар киритган ФХДЁ органи томонидан бу ҳақда туғилғанлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг иккинчи нусхасига (далолатнома ёзуви бир нусхада қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно) тегишли ўзгартиришларни киритиш учун ҳудудий адлия органининг ФХДЁ архивига “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали хабарнома юборади.

59. Агар боланинг туғилғанлиги ҳақидаги далолатнома ёзуви МДҲ давлатларида қайд этилган бўлса, у ҳолда оталикни белгилаш ҳақидаги аризани қабул қилиб олган ФХДЁ органи уни ёки ушбу масала бўйича суд қарорини (рус тилидаги таржимаси билан), туғилғанлик ҳақидаги гувоҳнома билан бирга туғилғанлик ҳақидаги далолатнома ёзувини қайд этган ФХДЁ органига юборади.

60. 16 ёшгача бўлган болага оталикни белгилашда далолатнома ёзувларига ўзгартириш киритиш қоидалари қўлланилиши мумкин, яъни боланинг фақат фамилияси ва ота исми эмас, балки исми ҳам ўзгартирилиши мумкин.

### **3-§. Фарзандликка олиш**

61. Фарзандликка олиш ҳақида ўзгартиришлар киритиш суднинг ҳал қилув қарори асосида туғилғанлик ҳақидаги далолатнома ёзувини қайд этган ФХДЁ органида, фарзандликка олинган боланинг туғилған жойи ўзгартирилганда эса – ҳал қилув қарорида кўрсатилған жойдаги ФХДЁ органида, ҳал қилув қарорида кўрсатилмаган бўлса, фарзандликка оловчиларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, ФХДЁ органи томонидан амалга оширилади.

Фарзандликка олинаётган боланинг туғилғанлиги тўғрисидаги ёзувлар дафтарига зарур ўзгартиришлар ФХДЁ органлари томонидан, фарзандликка олиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўн кун мобайнида киритилади. ФХДЁ органига кўрсатиб ўтилған муддат тугагандан кейин мурожаат қилинган тақдирда, суд қарорида ушбу қарор ўз кучини йўқотмаганлиги ҳақида ёзув бўлиши керак.

62. Фарзандликка олишни расмийлаштиришда ФХДЁ органига:

суднинг қонуний кучга кирган фарзандликка олиш ҳақидаги қароридан кўчирма;

фарзандликка олинаётган боланинг туғилғанлик ҳақидаги гувоҳномаси;

фарзандликка оловчи(лар)нинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

63. Суднинг ҳал қилув қарори келиб тушган вақтига кўра маҳсус дафтарда қайд этилади ва алоҳида йиғмажилдга хронологик тартибда тикиб қўйилади.

64. ФХДЁ органи суднинг ҳал қилув қарори ва фарзандликка оловчиларнинг ҳужжатлари асосида туғилғанлик ҳақидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришларни киритади, туғилғанлик ҳақидаги янги гувоҳнома ва, зарур бўлганда, фарзандликка олинганлиги ҳақида маълумотнома беради.

65. Агар суднинг ҳал қилув қарорида 10 ёшгача бўлган боланинг туғилган жойи республика доирасида ўзгартирилган бўлса, у ҳолда ҳал қилув қарорида кўрсатилган жойдаги ФХДЁ органида, ҳал қилув қарорида кўрсатилмаган бўлса фарзандликка олувчилар мурожаат қилган ФХДЁ органи томонидан тикланган далолатнома ёзуви қайд этилади.

Бунда, далолатнома ёзувини қайд қилган ФХДЁ органига далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш учун электрон ахборот тизими орқали сўровнома юборилади ва дастлабки далолатнома ёзувини қайд қилган ФХДЁ органи далолатнома ёзувини сўров юборган ФХДЁ органига “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали юборади.

Фарзандликка олувчилар мурожаат қилган ФХДЁ органи дастлабки далолатнома ёзуви қайд этилган ФХДЁ органи ва худудий адлия органларининг ФХДЁ архивига (далолатнома ёзуви бир нусхада қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно) уни бекор қилиш ҳақида “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали хабарнома юборади.

66. Фарзандликка олишни сир сақлаш мақсадида фарзандликка олиш учун хужжатлар фарзандликка олувчиларнинг вакиллари томонидан, қонунчиликда белгиланган тартибда ФХДЁ органига тақдим этилиши мумкин.

67. Агар фарзандликка олиш бекор қилинса у ҳолда туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига “Фарзандликка олиш \_\_\_\_\_ судининг \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ой \_\_\_\_ кундаги қарори билан бекор қилинди” деб ёзилади ва далолатнома ёзувидаги дастлабки маълумотлар тикланади ҳамда туғилганлик ҳақидаги янги гувоҳнома берилади.

68. ФХДЁ органи далолатнома ёзувининг иккинчи нусхасига (далолатнома ёзуви бир нусхада қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно) тегишли ўзгартиришлар киритиш учун худудий адлия органларининг ФХДЁ архивига хабарнома юборади.

## 5-боб. Никоҳни қайд этиш

### 1-§. Никоҳни қайд этиши тартиби, вақти ва жойи

69. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 14 ва 15-моддаларига мувофиқ, никоҳланувчиларнинг ўзаро розиликлари ва уларнинг никоҳ ёшига етганликлари никоҳ тузишнинг асосий шартлари ҳисобланади.

Узрли сабаблар мавжуд бўлганда, алоҳида ҳолатларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаганинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши – эмансиپация), никоҳ тузишни хоҳловчи шахсларнинг илтимосига кўра, никоҳ тузилганлигини қайд этиш жойидаги туман, шаҳар ҳокими томонидан никоҳга кириш ёши бир йилдан кўп бўлмаган муддатга камайтирилиши мумкин.

70. Никоҳ никоҳ тузиши хоҳловчи шахслар бу тўғрида белгиланган намунадаги ёзма ёки электрон ариза билан мурожаат этган кундан кейин бир ой ўтгач **ФХДЁ** органи томонидан қайд этилади.

**ФХДЁ** органлари томонидан никоҳланувчи шахсларнинг никоҳ тузилгантигини қайд этиш тўғрисидаги аризасини қабул қилишда белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

Бунда эллик ёшгача никоҳ тузувчи шахслар ОИВ-инфекцияси юзасидан тиббий текширувдан мажбуран ўтиши керак.

71. **ФХДЁ** органи мудири узрли сабаблар бўлганда ҳамда аризачиларнинг илтимосларига кўра бир ойлик муддатни қисқартириши мумкин.

Бунда узрли сабабларни тасдиқловчи – болаларининг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, тиббиёт муассасасининг келиннинг ҳомиладорлиги ёки бир тарафнинг касаллиги ҳақидаги маълумотномаси, хизмат сафари тўғрисидаги гувоҳнома ва шу каби хужжатлар кўрсатилади.

72. Никоҳни қайд этиш муддатини узайтириш никоҳ тузувчиларнинг биргалиқдаги аризаларига биноан кўриб чиқилади. Айrim ҳолларда етарли асослар бўлган тақдирда, шунингдек **ФХДЁ** органининг ташаббуси билан ушбу муддат уч ойгача узайтирилиши мумкин.

73. Белгиланган намунадаги ариза никоҳланувчиларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатлари асосида тўлдирилади ва барча саволларга аниқ ва тўлиқ жавоблар берилиши керак.

74. **ФХДЁ** органи аризани қабул қилаётганда никоҳланувчиларга никоҳ тузиши тартиби ва шартларини, келгусида эр-хотин ва ота-она сифатида вужудга келадиган ҳукуқлари ва мажбуриятларини тушунтириши ва бир-бирининг саломатликлари тўғрисида ва оиласи аҳволи тўғрисида хабардор эканликларига ишонч ҳосил қилиши керак.

Никоҳланувчилар никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларни яшириш оқибатлари тўғрисида огоҳлантирилади.

75. Агар никоҳ тузувчи шахсларнинг оталик белгиланмаган биргалиқдаги болалари бўлса, у ҳолда **ФХДЁ** органи уларга оталикни белгилаш тартибини тушунтириши лозим.

76. Қонун никоҳланувчи шахслардан ҳатто биттаси илгари қайд этилган никоҳда турган шахслар ўртасида никоҳ тузилишини тақиқлаши сабабли аризани қабул қилиш вақтида **ФХДЁ** органи шахсини тасдиқловчи хужжатлари бўйича аризачиларнинг қонуний никоҳда туриш-турмаслигини “**ФХДЁ**нинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали текшириб кўриши керак.

Илгари никоҳда бўлган шахс ФХДЁ органига аввалги никоҳи бекор қилинганилини тасдиқловчи хужжат тақдим этиши керак. Бу – бекор қилинганилиги ҳақидаги гувоҳнома (никоҳдан ажралганлик ҳақидаги маълумотнома) ёки суд қарори, эрнинг (хотиннинг) ўлимни ҳақидаги гувоҳнома (ўлим ҳақидаги маълумотнома) ва унинг вафот этган шахс билан тузилған никоҳи ҳақидаги маълумотнома ёхуд суднинг никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганилиги ҳақидаги қарори бўлиши мумкин.

77. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасига мувофиқ:

лоақал биттаси қайд қилинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;

насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олингандар ўртасида;

лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилгандар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

78. ФХДЁ органи никоҳни қайд этиш вақтини белгилаётганда никоҳдан ўтувчилардан уни тантанали вазиятда, шу жумладан жойига борган ҳолда ўтказилишига розилигини аниқлаши лозим. Тантанали равишда қайд қилиш ёки жойларга чиқсан ҳолда қайд қилиш фақат никоҳ тузувчиларнинг хоҳишларига кўра жойига борган ҳолда ўтказилади. Никоҳланувчи шахсларнинг истакларига биноан никоҳ уларнинг қариндошлари ва танишлари иштирокида қайд этилади. Никоҳни қайд этишда никоҳланувчи шахслар томонидан белгиланган сонда гувоҳлар иштирок этиши мумкин.

79. Никоҳга кириш ҳақидаги аризани беришда шахсни тасдиқловчи хужжатлар, яъни фуқаролик паспорти, хорижга чиқиш паспорти, идентификацияловчи ID-карта, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки ҳарбий билети кўрсатилиши керак.

80. Агар бирон-бир сабаб билан никоҳ тузувчиларнинг иккаласи айни бир вақтда келиши имконияти бўлмаса, у ҳолда ФХДЁ органига аризани улардан бири бериши мумкин, бу ҳолда кела олмаган шахснинг имзоси белгиланган тартибда тасдиқланган бўлиши лозим.

81. Никоҳга кириш ҳақидаги ариза аризалар ҳисобга олинадиган маҳсус дафтарда қайд этилиши керак.

82. Никоҳни қайд этиш фақат никоҳланувчи шахсларнинг иштирокида амалга оширилади. ФХДЁ органлари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганлигига ҳамда ушбу текширувларнинг натижалари тўғрисида уларнинг хабардор эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак, Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 13-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Никоҳнинг ишончнома бўйича ёки вакил орқали, шунингдек тиббий текширувдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома бўлмагандага қайд этилишига йўл қўйилмайди.

ФХДЁ органлари ходимлари никоҳни қайд этиш вақтида ўзларига маълум бўлган шифокорлик сирларидан иборат бўлган маълумотларни ошкор этганлиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

83. Никоҳланувчилардан бири бетоблиги сабабли ФХДЁ органига кела олмайдиган истисно ҳолларда никоҳ тузилганлиги шифохонада, уйда ёки бошқа тегишли жойда, никоҳланувчи иккала шахснинг иштирокида қайд қилинади. Далолатнома ёзувининг “Белгилар учун” устунида бу ҳақда тегишли белги киритилади.

84. Агар ФХДЁ органига ушбу Қоидаларнинг 77-бандида кўрсатилган ҳолатлар мавжудлиги ҳақида ариза тушган бўлса, никоҳни қайд этиш бошқа муддатга қолдирилади. Бунда аризачига белгиланган муддатда зарур далилларни тақдим этиш тавсия қилинади. ФХДЁ органи манфаатдор шахснинг илтимосига кўра ёки ўз ташабbusи билан зарур текширув ўтказиши мумкин. Никоҳни қайд этиш вақти кейинга сурилганлиги ҳақида аризачилар хабардор қилинади. Никоҳни қайд этишга тўсиқ бўлувчи қонуний ҳолатлар мавжуд бўлганда ФХДЁ органи уни қайд этишни рад қиласи. Агар мазкур маълумотлар тасдиқланмаса, у ҳолда никоҳни қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади. Юқорида қайд этилган ҳолатларни текшириш муддати уч ойдан ошмаслиги керак.

85. Никоҳ тузилганлигини қайд этишда никоҳланувчи шахслар ўз хоҳишларига кўра иккаласидан бирининг фамилиясини умумий фамилия сифатида танлашлари ёки ўзларининг никоҳгacha бўлган фамилияларида қолишлари мумкин.

Никоҳланувчилар фамилияларининг қўшилиши орқали ҳосил бўлган фамилия (масалан, куёв Ахмедов келин Шухратова, шунда куёв Ахмедов-Шухратов келин Ахмедова-Шухратова бўлади) умумий фамилия сифатида танланиши мумкин.

86. Никоҳланувчилардан бири эр ёки хотиннинг фамилиясини қабул қиласа, у ҳолда фуқаролик паспортини ёки идентификацияловчи ID-картасини, хорижга чиқиши паспорти (мавжуд бўлса) бир ой ичида алмаштириши зарурлиги тўғрисида огоҳлантирилади.

Ҳарбий хизматга мажбур бўлган ёки ҳарбий хизматга чақирилувчининг никоҳи қайд этилганлиги сабабли фамилияси ўзгартирилганда ФХДЁ органи 7 кун мобайнида бу ҳақда ҳарбий хизматга мажбур бўлган ёки ҳарбий хизматга чақирилувчи рўйхатда турган туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига хабар қиласи.

87. Никоҳни қайд этганлик учун белгиланган тартибда давлат божи ундирилади.

88. Никоҳ тузишнинг белгиланган қоидалари бузилганда, шунингдек ғаразли мақсадни кўзлаб тузилган никоҳ суд қарори билан ҳақиқий эмас деб топилади.

Суднинг никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори асосида ФХДЁ органи никоҳ қайд этилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига бу ҳақда белги қўяди ва ҳудудий адлия органининг ФХДЁ архивига хабарнома юборади, далолатнома ёзуви бир нусхада қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.

Никоҳ суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда никоҳ тузилганлиги ҳакида такrorий гувоҳнома берилмайди.

**2-§. МДҲ мамлакатлари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ва Ўзбекистон Республикасининг хорижда яшовчи фуқароларининг никоҳини қайд этиш**

89. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ФХДЁ органларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг МДҲ мамлакатлари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳини қайд этиш ҳамда чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳни қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

Ўзбекистон фуқароси ва чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги никоҳни қайд этиш агар чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш визаси никоҳ тузиладиган кунда ҳақиқий бўлсагина амалга оширилади.

Бунда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг никоҳга кириш ҳақидаги аризасига унинг шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси ҳамда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг никоҳда турмаслиги ҳақидаги белгиланган тартибда легализация қилинган ёки апостиль қўйилган хужжат (давлат тилига таржимаси билан бирга) илова қилиниши лозим.

90. Чет элда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг никоҳини қайд этиш ўша давлат қонунчилигига асосан унинг ваколатли органлари томонидан ёки Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларида ушбу Қоидаларга асосан амалга оширилади.

91. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳини қайд этиш, агар никоҳни қайд этиш Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси худудида жойлашган ўша давлатнинг қонунлари билан тан олинганда, шунингдек имзолашда ўша давлат ва Ўзбекистон Республикаси қатнашган битим ёки бу халқаро шартномаларга мувофиқ ҳоллардагина консул томонидан амалга оширилади.

92. Бошқа давлатда яшовчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси билан мазкур давлатнинг тегишли органларида никоҳни қайд эттиromoқчи бўлган ўша давлат фуқаросининг илтимосига қўра, консул никоҳни қайд этувчи ўша давлат органларига тақдим этиш учун ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси никоҳда турмаслиги ҳакида маълумотнома бериши мумкин.

Бундай маълумотномалар консуллик муассасаларида мавжуд бўлган маълумотлар асосида берилади.

Агар консуллик муассасасида никоҳланувчи шахснинг оилавий аҳволи тўғрисида маълумотлар бўлмаса консул бу маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан олади.

### **3-§. Озодликдан маҳрум этиш жойларидаги шахслар билан никоҳни қайд этиш**

93. Жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган шахслар билан никоҳни қайд этиш шу муассаса жойлашган худуддаги ФХДЁ органлари томонидан амалга оширилади.

94. Маҳкум билан никоҳга киришни хоҳловчи шахс никоҳга кириш ҳақидаги маҳсус бланкдаги аризанинг ўзига тааллуқли қисмини тўлдириб, доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, ФХДЁ органига топширади. ФХДЁ органи аризада келтирилган маълумотларни ариза берувчининг шахсини тасдиқловчи хужжати билан солиширади, аризада қайд этилган маълумотларнинг тўғрилигини ва аризачининг имзосини тасдиқлайди ва унга аризани қайтаради. Шундан сўнг маҳкум билан никоҳга киришни хоҳловчи шахс бу аризани маҳкумга бериши учун жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятига топширади.

95. Маҳкум билан никоҳга кириш ҳақидаги аризани олгандан кейин жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти уни тегишли жойини тўлдириш учун маҳкумга тақдим этади. Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти тўлдирилган аризадаги маълумотларни маҳкумнинг шахсий йифмагилдидаги маълумотлар (маҳкумнинг шахсини тасдиқловчи хужжати бўлмаган тақдирда ҳам) билан солиширади, уларнинг ҳақиқийлигини ва имзосини тасдиқлайди ҳамда аризани жазони ижро этиш муассасаси жойлашган мазкур худуддаги ФХДЁ органига юборади.

Бунда ариза ФХДЁ органи томонидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин шу куннинг ўзида никоҳга киравчи маҳкумнинг тиббий текширувдан ўтиши учун йўлланма ва никоҳни қайд этиш вақтини белгилаш тўғрисидаги хабарнома жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятига юборилади.

Агар маҳкумнинг шахсий йифмагилдиди унинг оилавий аҳволи тўғрисида маълумотлар тўлиқ бўлмаса, кам ёки ноаниқ бўлса, у ҳолда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти бу маълумотларни тегишли ташкилотлар ва муассасалар орқали уларни талаб қилиб олиш ёки аниқлаш чораларини кўради.

Жазони ўташ муассасалари маъмурияти маҳкумни никоҳдан олдин тиббий кўриқдан белгиланган тартибда ўтказади.

96. Маҳкум билан никоҳни қайд этиш ФҲДЁ органи билан келишилган ҳолда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан ажратилган бинода никоҳга киравчи шахсларнинг иштирокида амалга оширилади.

97. Маҳкум билан никоҳга киравчи шахсга ФҲДЁ органи томонидан никоҳ қайд этилганлиги ҳақида гувоҳнома берилади.

98. Маҳкумнинг шахсий йифмажилдидаги анкетасига ФҲДЁ органи томонидан штамп босилади, эр ёки хотиннинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, ФҲДЁ органининг номи ҳамда никоҳ тузилган сана ва далолатнома ёзуви рақами ёзиб қўйилади.

99. Судгача қамоқда ушлаб турилган шахслар билан никоҳни қайд этиш тергов ишини олиб бораётган мансабдор шахс ёки орган рухсати билан шу худуддаги ФҲДЁ органи томонидан, вақтинча сақлаш ҳибсхонасида (тергов ҳибсхонасида, гауптвахтада) амалга оширилади.

100. Мазкур Қоидаларнинг 99-бандида кўрсатилган ҳолатда никоҳга кириш ҳақидаги аризага ва никоҳ қайд этилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига қайд этишга рухсат берган органнинг мансабдор шахси имзоси қўйилади.

## 6-боб. Никоҳдан ажратиш

### 1-§. Вояга етмаган фарзандлари бўлмаган эр-хотинларни уларнинг ўзаро розилигига қўра никоҳдан ажратишни қайд этиш

101. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 42 ва 218-моддаларига мувофиқ ФҲДЁ органи мулкий низолари ҳамда вояга етмаган фарзандлари (шу жумладан, фарзандликка олинганлари) бўлмаган эр-хотинлардан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги аризани қабул қиласи. Агар хотин ҳомиладор бўлса никоҳдан ажратиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилади.

ФҲДЁ органи эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай бу ҳақида эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йигинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йигинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясини ёзма равишда хабардор қилиши керак.

102. Алоҳида яшовчи эр-хотинни никоҳдан ажратишни қайд этиш уларнинг биргаликда берган аризаларига асосан ФҲДЁ органи томонидан амалга оширилади.

Агар эр-хотиндан бири никоҳдан ажралиш тўғрисидаги аризани бериш учун ФҲДЁ органига кела олмаса, у ҳолда эр-хотин номидан биргаликда ёзилган аризани улардан бири топшириши мумкин. Кела олмаган эр ёки хотиннинг аризадаги имзоси нотариал тартибда ёки ФҲДЁ органи мудири томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Аризада эр-хотин ажралишга ўзаро рози эканликлари, вояга етмаган болалари йўқлиги, шунингдек улардан бири никоҳдан ажратиш қайд этилиши белгиланган кунда ФҲДЁ органига кела олмаса, никоҳдан ажратишнинг унинг иштирокисиз қайд этилишига розилиги тасдиқланади.

Бунда ФХДЁ органлари тегишли органлардан вояга етмаган фарзандлари йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни сўраши мумкин.

103. Агар никоҳдан ажралишга эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлгани ҳолда умумий мулк ҳақида ёки меҳнатга лаёқатсиз, муҳтоҷ эр ёки хотиннинг таъминоти ҳақида низолар бўлса, у ҳолда никоҳдан ажратиш суд тартибида ҳал этилади.

104. Эр ёки хотиндан бирининг никоҳгача бўлган фамилиясига қайтиши тўғрисидаги истаги никоҳдан ажратиш ҳақидаги аризасида кўрсатилиши керак.

Никоҳдан ажратиш қайд этилгандан сўнг никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага унинг тугатилганлиги ҳақида белги қўйилади ва у аризачиларга қайтарилади.

105. Никоҳдан ажратишни қайд этишда, эр ва хотиннинг ўзаро келишувига кўра, уларнинг биридан ёки иккаласидан белгиланган тартибида давлат божи ундирилади.

Эр ёки хотиндан бирининг иштирокида никоҳдан ажратишни қайд этишда давлат божи тўлиқ миқдорда ундирилади.

## **2-§. Эр ёки хотиндан бирининг аризаси асосида никоҳдан ажратиш**

106. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 43 ва 219-моддаларига мувофиқ эр-хотиндан бири:

суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

садир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўргада вояга етмаган умумий болалари бор-йўқлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра ФХДЁ органларида никоҳдан ажратиш қайд этилади.

Бундай ҳолларда аризага қўшимча равишда куйидагилар илова қилинади:

эр (хотин)нинг муомалага лаёқатсиз ёхуд бедарак йўқолган деб топилганлиги тўғрисида қонуний кучга кирган суд қарори;

эр (хотин)нинг уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганлиги тўғрисида қонуний кучга кирган суд ҳукмидан кўчирма, шунингдек судланган эр (хотин)нинг никоҳдан ажратишга ўртада умумий болалари ва мол-мулки юзасидан низолари йўқлиги тўғрисидаги розилиги.

Болалари тўғрисида, биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтоҷ, меҳнатга лаёқатсиз эр(хотин)га таъминоти учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оширилади.

107. Ўзаро болалари ва мулкий низолари бўлмаган ва З йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахсларни никоҳдан ажратиш эр хотиннинг ўзаро розилигига кўра умумий қоидалар асосида ФХДЁ органлари томонидан амалга оширилади.

108. Суднинг эр хотиндан бирининг бедарак йўқолган деб топилганлиги тўғрисидаги қарори бўйича никоҳдан ажратиш эр ёки хотин доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар ФХДЁ органи томонидан амалга оширилади.

109. Суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган эр (хотин) қайтиб келганда ва суднинг тегишли ҳал қилув қарори бекор қилинганда никоҳ эр хотиннинг биргаликдаги аризаси бўйича ФХДЁ органи томонидан тикланиши мумкин.

Бу ҳолда ФХДЁ органи никоҳдан ажратиш тўғрисидаги далолатнома ёзувини ва унинг асосида берилган тегишли гувоҳномани бекор қиласди.

Томонлардан бири янги никоҳга кирган тақдирда, никоҳ тикланиши мумкин эмас.

Бу ҳолда бедарак йўқолган деб топилган шахс мурожаат қилган тақдирда, никоҳдан ажралганлик тўғрисида гувоҳнома берилади.

### **3-§. Суд қарори билан никоҳдан ажратишни қайд этиш**

110. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 47-моддасига биноан никоҳ ФХДЁ органида никоҳдан ажратиш қайд этилган кундан бошлаб тутатилади.

111. ФХДЁ органи суд қарори асосида эр хотинлардан бирининг аризасига биноан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги далолатнома ёзувини қайд этади ва никоҳдан ажратиш тўғрисидаги гувоҳномани беради.

Бунда никоҳдан ажратишни қайд этишгача ФХДЁ органи эр ёки хотиндан бирининг никоҳдан ажратилганлик факти расмийлаштирилганлигини “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали текширади.

Агар никоҳдан ажратиш ФХДЁ органида томонлардан бирининг аризасига кўра қайд этилган бўлса, у ҳолда далолатнома ёзуви иккинчи томон тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдирилади ва никоҳдан ажратганлик тўғрисида гувоҳнома берилади.

Никоҳдан ажралганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувини қайд этиш, никоҳдан ажралганлик тўғрисидаги далолатномадаги ёзувларга қўшимчалар киритиш ва никоҳдан ажралганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш, шунингдек томонлардан бирининг ишончнома асосида ҳаракат қилувчи вакилнинг аризаси бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.

1998 йил 1 сентябрдан 2010 йил 15 сентябргача бўлган даврда қонуний кучга кирган суд қарорлари бўйича никоҳдан ажратишни қайд этиш йўқолган далолатнома ёзувларини тиклаш тартиби ва қоидаларига биноан амалга оширилади.

112. МДҲ мамлакати ва чет эл давлат суди томонидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарор асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан никоҳдан ажратиш (қарор қачон чиққанидан қатъи назар) агар давлатлараро битимда бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, умумий тартибда ФҲДЁ органида қайд этилади. Никоҳдан ажратишни қайд этишда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

### **7-боб. Ўлимни қайд этиш**

113. Ўлимни қайд этиш, мархумнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, ФҲДЁ органи томонидан амалга оширилади.

114. Ўлимни қайд этиш тўғрисидаги ариза ўлим тўғрисидаги тиббий маълумотнома берилгандан кейин 3 кундан кечикмай берилиши керак (ўлимни композит давлат хизмати сифатида қайд этиш бундан мустасно).

Ўлимни қайд эттириш тўғрисида мархумнинг қариндошлари ва яқин кишилари, шунингдек тиббий муассаса маъмурияти мурожаат этишлари мумкин, улар ўлим тўғрисида тиббий маълумотнома тақдим этадилар.

Агар вояга етмаган вафот этган шахсга нисбатан ФҲДЁ органида тугилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилмаган бўлса, вафот этган шахсга тугилганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилиб, бу ҳақда ариза берган шахсга маълумотнома берилади, шундан сўнг вафот этган шахсга нисбатан белгиланган тартибда ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилади.

115. Ўлимни қайд этишда тақдим этилган тиббий маълумотнома ёки суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори далолатнома ёзувига қистириб кўйилади (ўлимни композит давлат хизмати сифатида қайд этиш бундан мустасно).

116. Чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўлимини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

117. Чет элда вафот этган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ўлимини қайд этиш мархум яшаб турган ёки ўлим содир бўлган жойдаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан амалга оширилади.

Агар ўлимни қайд этиш мархумнинг яшаш жойидан бошқа округда амалга оширилса, у ҳолда ўлимни қайд этган консуллик муассасаси мархум ҳисобда турган консуллик муассасасига унинг фамилияси, исми, отасининг исми, ўлган санаси, шунингдек ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувининг рақами ва ўлим қайд этилган жой ва сана кўрсатилган хабарнома юборади.

118. Агар ўлимни қайд этишда марҳумнинг ҳомийсиз қолган вояга етмаган болалари борлиги маълум бўлса, у ҳолда консул шу куннинг ўзидаёқ бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига хабар беради.

119. Жазони ижро этиш муассасаларида вафот этган шахсларнинг ўлимини қайд этиш мазкур муассаса маъмуриятининг хабарига асосан ФХДЁ органи томонидан амалга оширилади.

120. Суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори асосида ва ўлими қонунчиликда белгиланган муддатларда қайд этилмаган шахсларнинг ўлимини қайд этиш ФХДЁ органи томонидан умумий асосларда амалга оширилади.

121. Ўлимни қайд этишда 16 ёшгacha вафот этганларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси тақдим қилинади. Бунда ФХДЁ органи ходими (консул) гувоҳномага ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувининг рақами ва санасини ёзади.

Вафот этганларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари ҳар чоракда бир марта, далолатнома асосида йўқ қилинади.

122. Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилгач ариза берувчига ўлим ҳақида гербли гувоҳнома ва қабристонга тақдим этиш учун тегишли намунадаги маълумотнома берилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан ариза берувчига белгиланган тартибда тегишли нафақа тайинланиши учун “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали хабарнома юборилади.

Агар “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимида вафот этган шахснинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви бўйича маълумот мавжуд бўлса, унинг вафот этганлиги ҳақидаги маълумот “Белгилар учун” устунига киритилади.

123. Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувларини қайта тиклаш туман ва шаҳар судларининг қарорига кўра амалга оширилади. Агар суд қарорида марҳумнинг ўлган санаси кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда суд қарори кучга кирган сана марҳумнинг ўлган куни ҳисобланади.

124. Шахси аниқланмаганларнинг ўлимини қайд этиш соғлиқни сақлаш тизими тиббий муассасасининг ўлим тўғрисидаги тиббий маълумотномасига асосан шу муассаса жойлашган ҳудуддаги ФХДЁ органи томонидан амалга оширилади.

Бундай ҳолларда ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидаги барча маълумотлар ўлим тўғрисидаги тиббий маълумотнома асосида кўрсатилади ва фақат қабристонга тақдим этиш учун маълумотнома берилади.

Ўлим ҳақидаги гербли гувоҳнома фақат далолатнома ёзувидаги етишмайдиган маълумотлар тўлдирилгандан кейингина берилади.

125. ФХДЁ органи қўшимча тиббий маълумотнома ёки мурда таниб олингандаги тўғрисидаги прокуратура хабарномасини олгач, далолатнома ёзувига етишмайдиган маълумотларни киритади ва далолатнома ёзувининг иккинчи нусхасига зарур ўзгартиришлар киритиш учун ҳудудий адлия органининг ФХДЁ архивига хабарнома жўнатади, далолатнома ёзуви бир нусхада қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.

### **8-боб. Далолатнома ёзувларини тиклаш**

126. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 230-моддасига мувофиқ далолатнома ёзувларини тиклаш деганда илгари шундай ёзув бўлганлигини тасдиқловчи етарли асослар бўлганида йўқолган ёзувларни қайта тиклаб қўйиш тушунилади.

127. Туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувлари бу ёзувлар кимга нисбатан тузилган бўлса фақат ана шу шахсларнинг аризасига кўра тикланади.

Агар ўн олти ёшгacha бўлган боланинг туғилиши ҳақидаги ёзув йўқолган бўлса ёзув боланинг ота-онаси, васийси, ҳомийси, болалар муассасаси маъмуриятининг аризасига биноан тикланади.

Ёзувни тиклашдан манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлса ёзувни тиклаш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ амалга оширилади.

128. Агар далолатнома ёзувининг иккала нусхаси ҳам йўқолган бўлса, у ҳолда далолатнома ёзувини тиклаш 16 ёшга тўлган фуқаронинг шахсий аризасига кўра ФХДЁ органи томонидан амалга оширилади.

Далолатнома ёзувларини тиклаш уларни тиклаш учун асос бўлган барча ҳолатлар ФХДЁ органи томонидан аниқлангандан кейингина амалга оширилади.

Далолатнома ёзувини тиклаш тўғрисидаги ариза олинган тақдирда ФХДЁ органи далолатнома ёзувини тиклаш учун асослигини тасдиқловчи далолатнома ёзувларидан нусхаларни, улар сақланадиган жойдаги тегишли ФХДЁ органларидан “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали сўраб олиши мумкин.

129. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тиклаш учун ФХДЁ органига қуйидаги хужжатлар тақдим этилади:

далолатнома ёзувини тиклаш тўғрисида белгиланган намунадаги ариза;

ҳудудий адлия органи ФХДЁ архивининг ариза берувчининг туғилган жойи бўйича далолатнома ёзувининг йўқлиги ёки йўқолганлиги (йўқолганлик сабабларини кўрсатган ҳолда) ҳақидаги маълумотномаси;

ариза берувчининг фуқаролик паспорти (идентификацияловчи ID-картаси) нусхаси;

ота-онасининг фуқаролик паспорти (идентификацияловчи ID-картаси) нусхалари, агар ота-онаси вафот этган бўлса, уларнинг ўлими ҳақидаги маълумотномалар;

никоҳ тузилганлиги ҳақидаги (ота-онасининг ва ўзининг) маълумотномалар;

ота-оналарининг ҳужжатлари бўлмаганда, ака-укалари, опа-сингилларининг (улар бўлса) туғилганлик тўғрисидаги маълумотномалари.

Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тиклаш учун **ФХДЁ** органига ариза берувчининг илтимосини асословчи бошқа ҳужжатлар ҳам тақдим этилиши мумкин.

130. Аризани қабул қилишда ариза берувчи ёлғон кўрсатмалар берганлиги учун жавобгарлиги ҳақида **ФХДЁ** органи томонидан огоҳлантирилади.

Қабул қилинган ариза қайта тиклаш ҳақидаги аризаларни ҳисобга олиш дафтарида қайд этилади.

131. Туғилганлик ҳақидаги тикланган далолатнома ёзувида ариза берувчининг туғилган йили, унинг фуқаролик паспорти (идентификацияловчи ID-картаси), ҳарбий билети ва бошқа мавжуд ҳужжатларига асосан кўрсатилади.

Агар тақдим этилган ҳужжатларда ариза берувчининг факат туғилган йили кўрсатилиб, туғилган куни ва ойи кўрсатилмаган бўлса, бу ҳолда унинг туғилган санаси ўша йилнинг 1 юли деб ҳисобланади.

132. Тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан сўнг **ФХДЁ** органи мудири томонидан хulosа тузилади, сўнгра туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувлари дафтарида “Т” ҳарфи остига далолатнома ёзуви рақами қўйилади ва унинг асосида туғилганлик ҳақидаги тикланган далолатнома ёзуви қайд этилади ва туғилганлик ҳақида гувоҳнома берилади.

Ариза берувчининг ота-онаси тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаганда туғилганлик ҳақидаги тикланган далолатнома ёзувидаги “Ота-онаси ҳақидаги маълумотлар” устуни тўлдирилмайди ва чизик қўйилади.

133. Никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзувини тиклаш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

белгиланган намунаидаги ариза;

худудий адлия органи **ФХДЁ** архивининг никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзуви йўқлиги ёки йўқолганлиги (йўқолиш сабабларини кўрсатган ҳолда) ҳақидаги маълумотномаси;

фуқаролик паспортлар (идентификацияловчи ID-карталар) ксеронусхалари (нусхалари);

болаларининг (улар бўлса) туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари;

никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзуви бўлганлигини тасдиқловчи бошқа қўшимча хужжатлар.

Тақдим этилган хужжатлар асосида ФХДЁ органи томонидан хulosса тузилади, сўнгра никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувлари дафтарида охирги далолатнома ёзувининг рақами такрорий равишда “Т” ҳарфи қўйган ҳолда ёзилади ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги тикланган далолатнома ёзуви тузилади.

Никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳномада “никоҳландилар” устунида тикланаётган далолатнома ёзувининг дастлабки қайд этилган санаси, “тегишли далолатнома ёзуви қайд этилди” устунида эса – никоҳ тузилганлиги ҳақида тикланиб тузилган далолатнома ёзуви рақами ва санаси кўрсатилади.

134. Никоҳдан ажralганлик ҳақида далолатнома ёзувини тиклаш учун қуйидаги хужжатлар тақдим этилиши керак:

белгиланган намунадаги ариза;

худудий адлия органи ФХДЁ архивининг никоҳдан ажralганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви йўқлиги (йўқолганлик сабаблари кўрсатилган ҳолда) ҳақидаги маълумотномаси;

фуқаролик паспорти (идентификацияловчи ID-картаси)нинг ксеронусхаси (нусхаси);

никоҳ тузилганлиги ҳақида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги белги қўйилган маълумотнома;

илгариги никоҳдан ажralганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви бўлганлигини тасдиқловчи бошқа хужжатлар.

Тақдим этилган хужжатлар асосида ФХДЁ органи томонидан хulosса тузилади, никоҳдан ажralганлик ҳақида далолатнома ёзувлари дафтарига охирги далолатнома ёзувининг тартиб рақами такрорий равишда “Т” ҳарфи қўйган ҳолда ёзилади ва никоҳдан ажратиш ҳақидаги тикланган далолатнома ёзуви тузилади.

Никоҳдан ажralганлик ҳақидаги гербли гувоҳноманинг “бу ҳақда ажратиш тўғрисидаги далолатномаларни қайд қилиш дафтарида” устунида никоҳдан ажralганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг дастлабки санаси, қавс ичida эса – тикланган далолатнома ёзувининг рақами ва санаси ёзиб қўйилади.

135. Далолатнома ёзувларини тиклаш учун етарли асослар бўлмагандан ФХДЁ органи ариза берувчига рад қилинганлик ҳақидаги асосланган хulosса беради. Ушбу хulosса билан ариза берувчи масалани моҳиятига кўра ҳал этиш учун судга мурожаат қилиш хуқуқига эга.

136. Далолатнома ёзувини тиклаш ҳақидаги ариза ФХДЁ органи томонидан ўн беш кун мобайнида кўриб чиқилиши керак.

Узрли сабаблар (далолатнома ёзувини тиклаш учун асосланганликни тасдиқловчи ёзувлар нусхалари ва бошқалар олинмаганлиги) мавжуд бўлганда аризани кўриб чиқиш муддати ФХДЁ мудири томонидан ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза берувчига хабар қилинади.

137. Далолатнома ёзуви қайта тикланганлиги учун белгиланган тартибда давлат божи ундирилади.

#### **9-боб. Далолатнома ёзувларини ўзгартириш, тузатиш, тўлдириш**

138. Далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиш етарли асослар мавжуд бўлганда ва манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаганда, ушбу ёзувлар сақланаётган жойдаги, агар улар Ўзбекистон Республикаси худудида тузилган бўлса, ФХДЁ органи томонидан амалга оширилади.

Ўн олти ёшга тўлган шахсларнинг туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар киритиш уларнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Ўн олти ёшга тўлмаган шахсларнинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига ўзгартиришлар киритиш улар ота-онасининг ёки қонуний вакилларининг аризасига кўра амалга оширилади.

Далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар консул ёки нотариус томонидан тасдиқланган ишончнома ва ариза асосида амалга оширилиши мумкин.

Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувига тузатишлар киритиш яқин қариндош(лар) ёки меросхўр(лар)нинг аризасига кўра ФХДЁ органи томонидан амалга оширилади.

Вафот этган шахсларнинг туғилганлик, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларига тузатиш ва қўшимчалар суд қарорига асосан ФХДЁ органи томонидан киритилади.

ФХДЁ органининг далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритишни рад этиши юзасидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

139. Далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни 15-моддаси асосида тарихий ва миллий анъаналарга риоя қилиш мақсадида фамилияси, исми, отасининг исмини ёздириш истаги бўлганда;

оталик белгиланганда;

фарзандликка олингандан;

ота-онанинг ўзаро келишувига кўра (шунингдек ота-она никоҳдан ажратилганда) ёки ҳоким қарорига кўра вояга етмаган боланинг фамилияси ўзгартирилганда;

миллати ўзгартирилганда;

никоҳда турмаган она томонидан боланинг отаси ҳақидаги маълумотларни ўзгартириш ҳақида ариза берилганда (бola 16 ёшга етгунга қадар);

суд қарори билан оталикни белгилаш ҳақиқий эмас деб топилганда, ота ҳақидаги маълумотлар бекор қилинганда ёки фарзандликка олиш бекор қилинганда;

ота-онасининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгартирилиши муносабати билан вояга етмаган боланинг фамилияси ва отасининг исми ўзгартирилганда;

далолатнома ёзувларида имловий хато ва ноаниқликлар бўлганда, шунингдек туғилган вақти, жойи ва отасининг исми ҳақидаги ёзув мавжуд бўлмаганда;

16 ёшга тўлмаган боланинг исми ва фамилияси ўзгартирилганда, агар исми ва фамилияси ота-онасининг хоҳиши ҳисобга олинмаган ҳолда берилган бўлса;

агар далолатнома ёзувида исми қисқартириб ёки эркалатиш шаклида ёзилган бўлса;

жинси ўзгартирилганда.

Далолатнома ёзувига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ариза ФХДЁ органи томонидан, ариза тушган кундан бошлаб 10 кун мобайнида кўриб чиқилиши керак.

Узрли сабаблар (ўзгартириш киритиш зарур бўлган ёзувлар нусхалари олинмаганда ва бошқа ҳолларда) мавжуд бўлганда ФХДЁ органи мудири томонидан ушбу муддат бир ойгача муддатга узайтирилиши мумкин.

140. Далолатнома ёзувлари Ўзбекистондан ташқарида бўлган, шунингдек никоҳ тузилганлиги тўғрисида ва ўлим тўғрисида, aka-укалар ва опасингилларнинг туғилганлиги тўғрисидаги ва бошқа далолатнома ёзувларида тафовутлар бўлган ҳоллардан ташқари, юқорида кўрсатилган барча ҳолатларда далолатнома ёзувлари тузилган жойи бўйича хулоса тузилмай тузатишлар киритилади.

141. Ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги аризага ариза берувчининг илтимоси асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари: унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (ксеронусхаси) ва бошқа зарур ҳужжатлар нусхалари илова қилинади. Улар билан бирга йифмажилдга ўзгартиришни талаб қиласиган гувоҳномаларнинг асл нусхалари тикиб қўйилади.

Далолатнома ёзувига ўзгаришилар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиши тўғрисидаги ариза олинганда ФХДЁ органи ўзгариши ва тузатишлар киритиладиган далолатнома ёзуви нусхасини, шунингдек ўзгариши ёки тузатишлар киритиши учун асос мавжудлигини тасдиқловчи далолатнома ёзувлари нусхаларини улар сақланаётган жойдаги ФХДЁ органидан “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали сўраб олади.

142. Агар ўзгариши киритиладиган далолатнома ёзуви республикадан ташқарида бўлса, у ҳолда ФХДЁ органи хulosса тузади ёки (давлатлараро келишув мавжуд бўлса) ариза берувчининг аризадаги имзосини тасдиқлайди ва йигмажилдни (аризани) далолатнома ёзуви тузилган жойдаги ФХДЁ органига ижро этиш учун юборади.

143. Далолатнома ёзувларига ўзгариши киритиши тўғрисидаги хulosса 3 нусхада тузилади, улардан бири йигмажилдга тикилади, иккинчиси ФХДЁ органида қолади, учинчи нусхаси ариза берувчига берилади.

Зарур ҳолларда хulosса нусхалари тегишли ФХДЁ органларига “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали юборилади.

144. Далолатнома ёзувига ўзгариши киритган ФХДЁ органи далолатнома ёзувининг иккинчи нусхасига тегишли ўзгариши киритиши учун бу ҳақда худудий адлия органининг ФХДЁ архивини икки иш кундан кечикмай “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали хабардор қиласи, далолатнома ёзуви бир нусхада қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.

145. Ариза берувчининг хоҳишига биноан ФХДЁ органи далолатнома ёзувига ўзгариши киритилганлиги ҳақида маълумотнома бериши мумкин.

146. Шахснинг унинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуvida жинсини ўзгариши жинс ўзгаририлганлик ҳақида тиббиёт муассасасининг хulosаси бўйича амалга оширилади.

Жинси ўзгаририлган шахс унинг шахсини тасдиқловчи хужжатларни бир ой ичида алмаштириш зарурлиги тўғрисида огоҳлантирилади.

147. Мазкур Қоидаларнинг 139-банди учинчи, тўртинчи ва ўн учинчи хатбошиларидан ташқари барча ҳолларда ўзгаришилар киритилганлиги учун белгиланган тартибда давлат божи ундирилади.

148. Ўзбекистон Республикасининг чет элда турувчи фуқароларининг далолатнома ёзувларига ўзгаришилар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиши тўғрисидаги аризалари ушбу Қоидаларда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари томонидан кўриб чиқилади.

Консул томонидан юборилган хужжатлар асосида ФХДЁ органи архивида сақланаётган далолатнома ёзувига тегишли ўзгаришилар, тузатишлар ва қўшимчалар киритилади.

## 10-боб. Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш

149. Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги ариза берувчи 16 ёшга тўлгач, унинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, ФХДЁ органи томонидан кўриб чиқилади.

Агар 16 ёшга тўлган шахс фуқаролик паспорти (идентификацияловчи ID-картаси) ёки паспорт ўрнини босувчи шахсни тасдиқловчи бошқа хужжат олгунга қадар фамилияси, исми, ота исмини ўзгартириш ҳақида ариза берса, у ҳолда аризага туғилганлик ҳақида гувоҳнома илова қилинади.

150. Фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги аризалар:

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни 15-моддасига мувофиқ;

суднинг ҳал қилув қарори асосида;

агар фамилия ва исм эшитилишда ёқимсиз бўлса;

агар фамилия ва исм миллатига тўғри келмаса;

ҳоҳишига қараб никоҳгacha бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтишда;

оила учун умумий фамилияда бўлиш истаги пайдо бўлганда (агар никоҳ тузиш пайтида эр-хотин умумий фамилия қабул қилишмаган бўлса;

болаларнинг ота ёки она билан бир хил фамилияда бўлиш, онасининг никоҳгacha бўлган фамилиясида бўлиш, ўгай отанинг ёки васийсининг фамилиясида бўлиш истаги пайдо бўлганда;

16 ёшга тўлган шахсга оталикни белгилашда кўриб чиқилади.

151. Фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги аризага куйидагилар илова қилинади:

ариза берувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси;

агар ариза берувчи никоҳда турган бўлса, у ҳолда никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси, агар никоҳдан ажратилган бўлса – никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳномаси;

агар ариза берувчининг вояга етмаган болалари бўлса, у ҳолда болаларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари;

ариза берувчининг фуқаролик паспорти (идентификацияловчи ID-картаси) ёки шахсини тасдиқловчи бошқа хужжатидан кўчирма;

агар ариза берувчи вояга етмаган ёки суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, у ҳолда ота-онасининг ёхуд васий ёки ҳомийнинг аризаси;

1 дона (3x4 ўлчамли) фотосурат.

152. Ўзгартиришлар киритилиши учун зарур бўлган далолатнома ёзувлари йўқолган тақдирда, фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш ушбу ҳужжатлар тиклангандан кейин амалга оширилади.

153. Қабул қилинган ариза маҳсус дафтарга киритилади.

154. ФХДЁ бўлими мудири тақдим этилган ҳужжатлар асосида, зарур ҳолларда эса бошқа ФХДЁ органларидан ўзининг талаби бўйича керакли далолатнома ёзувлари нусхаларини “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали олади ва тегишли текширув ўтказиш учун ички ишлар органига “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали сўровнома жўнатади.

155. Ички ишлар органи тақдим қилинган ҳужжатларни 20 кун мобайнида ўрганиб чиқади, ариза берувчининг фамилияси, исми, ота исмини ўзгартириш хусусидаги фикрни ФХДЁ органига ахборот тизими орқали тақдим этади.

Ариза берувчининг фамилияси, исми, ота исмининг ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса тузилган тақдирда ушбу ҳолатнинг аник сабаблари кўрсатилади.

156. ФХДЁ органи фамилия, исм, ота исми ўзгарганлиги тўғрисида ички ишлар органига 3 кун мобайнида, агар ариза берувчи ҳарбий хизматга мажбур бўлса – у ҳолда туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига ҳам хабарнома юборади.

157. Агар ўзгартириш киритиш талаб этиладиган далолатнома ёзуви бошқа жойда бўлса, у ҳолда ФХДЁ органи далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш тўғрисида “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали хабарнома юборади.

158. ФХДЁ органи хабарномага биноан далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришлар киритади ва далолатнома ёзувини “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали тасдиқлайди, шунингдек далолатнома ёзувининг иккинчи нусхасига ана шундай ўзгартиришларни киритиш учун ҳудудий адлия органининг ФХДЁ архивига “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали хабарнома юборади, далолатнома ёзуви бир нусхада қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.

Бунда, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги аризани қабул қилган ФХДЁ органи янги гувоҳнома чоп этиб беради.

159. Фамилияси, исми, ота исми ўзгартирилган шахс ФХДЁ органи томонидан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни бир ой ичида алмаштириш зарурлиги тўғрисида огоҳлантирилади.

160. Ўзаро қонуний никоҳда турган эр ёки хотиндан бирининг фамилияси ўзгартирилиши иккинчисининг ҳам фамилияси ўзгаришига сабаб бўлмайди.

Ота-оналардан ҳар иккаласининг фамилияси ўзгартирилиши 16 ёшга тўлмаган болалари фамилиясининг ҳам ўзгартирилишига сабаб бўлади.

Ота-оналар ёки улардан бирининг фамилиясини ўзгартирганлиги уларнинг вояга етган болаларининг фамилияси ўзгаришига сабаб бўлмайди.

Агар ота-онадан бири фамилиясини ўзгартирса, уларнинг вояга етмаган болаларининг фамилиясини ўзгартириш масаласи ота-оналарнинг келишувига биноан, бундай келишув бўлмаганда эса – васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

161. Отанинг исмини ўзгартириши вояга етмаган болаларнинг ота исми ўзгаришига олиб келади.

Вояга етган болаларнинг ота исми фақат уларнинг аризаларига кўра ўзгартирилади.

162. Агар никоҳга кириш пайтида ўзининг никоҳгача бўлган фамилиясини сақлаб қолган шахс кейинчалик эрининг фамилиясини қабул қилса, шунингдек никоҳга кириш пайтида қабул қилган фамилиясини никоҳгача бўлган фамилиясига ўзгартирса, у ҳолда ўзгартириш фақат никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига киритилади.

Агар никоҳдан ажратилгандан кейин никоҳдаги фамилиясини сақлаб қолган шахс уни никоҳгача бўлган фамилиясига ўзгартирса, у ҳолда ўзгартириш фақат никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига киритилади.

163. 16 ёшга тўлган шахслар томонидан фамилияси, исми, ота исми ўзгартирилган барча ҳолларда ўзгартириш фақат туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг “бала тўғрисида маълумотлар” устунига киритилади.

Ота-она тўғрисидаги маълумотлар ўзгаришсиз қолдирилади.

164. Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшовчи фуқароларининг аризалари консул томонидан кўриб чиқилади. Аризага мазкур Қоидаларнинг 151-бандида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилиниши лозим. Зарур ҳолларда консул аризачининг илтимоси асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ва ўзгартириш киритилиши лозим бўлган далолатнома ёзувларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали талаб қилиб олади.

Йигилган ҳужжатлар асосида консул Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикасининг ёки ариза берувчи доимий яшаб турган давлатнинг ваколатли органларидан ариза берувчининг фамилияси, исми, ота исмини ўзгартиришига рухсат берилганлиги ҳақида асословчи фикр олиши зарур.

Ушбу фикр асосида консул фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш ҳақида асосланган хулоса тузади ва уни йиғмажилд билан бирга ўзгартириш киритилиши лозим бўлган далолатнома ёзуви сакланаётган ФХДЁ органига юборади.

165. Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги ариза берилган кундан бошлаб бир ой мобайнида кўриб чиқилиши керак. Узрли сабаблар (ишни расмийлаштириш учун зарур бўлган далолатнома ёзуви нусхаларининг бошқа ФХДЁ органларидан, ички ишлар органлари фикрининг кечикиб олиниши ва бошқалар) мавжуд бўлганда ФХДЁ органи муддири ушбу муддатни ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатга узайтириши мумкин.

166. Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартирганлик учун белгиланган тартибда давлат божи ундирилади.

### **11-боб. Далолатнома ёзувларини бекор қилиш**

167. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 233-моддасига мувофиқ, агар ФХДЁ органи томонидан икки ва ундан ортиқ бир хил ёзувлар борлиги аниқланса, тикланган ёзувлар улар тузилган жойдаги ФХДЁ органи томонидан бекор қилиниши мумкин.

Агар топилган далолатнома ёзувларида фамилия, исм, ота исми, туғилган сана, ота-она тўғрисидаги маълумотларда жиддий фарқ бўлса, тикланган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари суднинг қарори билан бекор қилинади.

168. Суднинг далолатнома ёзувини бекор қилиш тўғрисидаги қарорини олгач бекор қилинаётган ёзувни тузган ФХДЁ органи унинг диагонали бўйлаб чизиқ тортиб, бу ҳақда белги кўяди ва аризачига маълумотнома беради.

169. ФХДЁ органи ҳудудий адлия органининг ФХДЁ архивига ва дастлабки далолатнома ёзуви тузилган жойдаги ФХДЁ органига далолатнома ёзувларининг бекор қилинганлиги тўғрисида “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали хабарномалар юборади, далолатнома ёзуви бир нусхада қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ҳудудий адлия органининг ФХДЁ архиви хабарномани олгач тегишли далолатнома ёзувининг иккинчи нусхасига бекор қилинганлиги ҳақида белги кўяди, ФХДЁ органи эса ариза берувчига далолатноманинг дастлабки ёзувига мувофиқ такрорий гувоҳнома беради.

170. Собиқ иттифоқ республикаларидан келган ҳужжатлар бўйича ёзувларни бекор қилиш ҳудудий адлия органлари хулосалари бўйича ФХДЁ органи томонидан амалга оширилади, ёзувни бекор қилиш бўйича ҳужжатлар эса шу ФХДЁ органида сакланади.

### **12-боб. Далолатнома ёзувларини тўлдириш**

171. Далолатнома ёзувлари бир нусхада тузилади.

Далолатнома ёзувларининг ҳар бир тури ҳар йилнинг 1 январидан 31 декабригача тартиб билан кетма-кет рақамланади.

Далолатнома ёзувлари давлат тилида лотин графикасида компьютер ёрдамида тўлдирилади.

172. Далолатнома ёзувларининг барча устунлари тўлиқ, хатосиз ва қисқартиришларсиз (умумий қабул килингандан ташқари) тўлдирилиши керак.

173. Далолатнома ёзувлари фуқаролик паспорти (идентификацияловчи ID-картаси) асосида, у бўлмаган тақдирда – шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида тўлдирилади.

Чет эл фуқаросига нисбатан далолатнома ёзувлари қайд этилаётганда миллатидан ташқари қайси давлат фуқароси эканлиги ҳам кўрсатилади. Миллати ҳақида маълумот бўлмаган тақдирда фуқаролиги тўғрисидаги маълумотлар ёзилади.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар учун “Фуқаролиги” устунига “фуқаролиги йўқ” сўзлари ёзилади.

174. Агар ФХДЁ органига далолатнома ёзувини қайд этиш учун мурожаат қилган шахс давлат тилини билмаса у таржимон хизматларидан фойдаланиши мумкин. Бу ҳақда “Белгилар учун” устунига тегишли ёзув киритилади.

Кар, соқов ёки карсоқов шахс саводсиз бўлган тақдирда, далолатнома ёзувини қайд этишда далолатнома ёзуби мазмуни кар, соқов ёки карсоқовнинг хоҳишига мувофиқ келишини имзо билан тасдиқлаб унга тушунтириши мумкин бўлган шахс иштирок этиши мумкин. Бу ҳақда “Белгилар учун” устунига тегишли ёзув киритилади.

Далолатнома ёзувини кўзи кўр шахс учун тузишда далолатнома ёзуби матни унга далолатнома ёзувини тузган ФХДЁ органи ходими томонидан ўқиб берилади. Бу ҳақда “Белгилар учун” устунига тегишли ёзув киритилади.

175. Ўлик туғилган бола тўғрисидаги далолатнома ёзувини расмийлаштиришда туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига маълумотлар перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома асосида киритилади.

176. Тирик туғилиб, аммо ҳаётининг биринчи ҳафтасида ўлган болага нисбатан ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувига маълумотлар перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома асосида киритилади.

177. Далолатнома ёзувлари тўлдирилгандан кейин ариза берувчи томонидан ўқиб чиқилади ва имзоланади.

178. Далолатнома ёзуби асосида тегишли гербли гувоҳномалар давлат тилида лотин графикасида тўлдирилади ва ариза берувчига топширилади.

179. Гербли гувоҳнома бериш учун (ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномалар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган герб йигими ундирилади.

### **13-боб. Такрорий гувоҳномалар ва бошқа маълумотлар бериш**

180. Далолатнома ёзувининг биринчи нусхаси сақланаётган ФХДЁ органи манфаатдор шахсларнинг аризаларига кўра ва тегишли далолатнома ёзувлари асосида такрорий гувоҳномалар беради.

Алоҳида ҳолларда (далолатнома ёзувининг биринчи нусхаси йўқолганда, иккинчи нусха бўйича гувоҳнома олиш қулай бўлганда) ҳудудий адлия органининг ФХДЁ архивлари далолатнома ёзувининг биринчи ва иккинчи нусхаларининг айнан бир хиллигини текширгандан сўнг туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, ўлим ва никоҳдан ажralганлик ҳақида такрорий гувоҳномалар берадилар.

181. Туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳномалар фуқаролик ҳолати далолатнома ёзуви қайд этилган тегишли шахснинг ўзига, унинг ота-оналарига ёки қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишонч қофозлари асосида бошқа шахсларга берилади. Вафот этган шахсга нисбатан туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳнома берилмайди. Зарур ҳолларда, вафот этган шахснинг туғилганлиги ҳақида маълумотнома берилиши мумкин.

Ўлим ҳақидаги такрорий гувоҳномалар мархумнинг яқин қариндошларига ва меросхўрларига ёки қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишонч қофозига эга бўлган шахсларга берилади.

Никоҳ тузилганлиги ва никоҳдан ажralганлик ҳақидаги такрорий гувоҳномалар далолатнома ёзуви қайд этилган тегишли шахсларнинг ўзларига ёки қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишонч қофозига эга бўлган шахсларга берилади.

Никоҳдан ажратилганда никоҳ тузилганлиги ҳақидаги такрорий гувоҳнома берилмайди. Зарур ҳолларда никоҳ тузилганлиги ҳақидаги маълумотнома берилиши мумкин.

182. Болаларга ва муомалага лаёқатсиз шахсларга такрорий гувоҳномалар уларнинг ота-оналари (фарзандликка олганлар), васийлари, ҳомийлари, болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш муассасалари маъмуриятларининг аризалари бўйича берилади.

183. Ота-онаси бўлмаган тақдирда, вояга етмаган шахсларга ёки фуқаролик паспорти (идентификацияловчи ID-картаси) олмаган шахсларга туғилганлик ҳақидаги такрорий гувоҳномалар ушбу шахснинг фотосурати ёпиширилган, мазкур шахс таълим олаётган таълим муассасаси ёки яшаш жойидаги маҳалла фуқаролар йифини томонидан берилган далолатнома асосида берилади.

184. Такрорий гувоҳнома олиш тўғрисидаги аризада ариза берувчининг фамилияси, исми, ота исми, манзили, шахсини тасдиқловчи хужжатнинг серияси, рақами, гувоҳнома сўралаётган шахснинг фамилияси, исми, ота исми, никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳнома сўралганда – эр-хотиннинг фамилиялари, исмлари ва ота исмлари, далолатнома ёзуви қачон ва қайси ФХДЁ органи томонидан қайд этилганлиги ва такрорий гувоҳнома қандай сабабга кўра талаб қилинаётганлиги кўрсатилиши керак.

185. Такорий гувоҳнома олишни хоҳловчи шахс, доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, ФХДЁ органи орқали мурожаат қилиши мумкин.

Далолатнома ёзуви бошқа ФХДЁ органида қайд этилган бўлса, аризани қабул қилган ФХДЁ органи уни далолатнома ёзувини қайд этган ФХДЁ органига “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали ижро учун жўнатади.

Ариза берувчи далолатнома ёзуви қайд этилган ФХДЁ органига мурожаат этганда такорий гувоҳнома шу куниёқ берилади.

Аризада қайд этилган далолатнома ёзуви тўғрисида тўлиқ маълумотлар мавжуд бўлмаганда ФХДЁ органи аризани беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади.

Ҳарбий хизматни ўтаётган шахсларнинг такорий гувоҳномалари ҳарбий қисмларга жўнатилади.

Агар такорий гувоҳнома сўраб мурожаат этилган ФХДЁ органида тегишли далолатнома ёзуви йўқ бўлса, ФХДЁ органи аризани ва далолатнома ёзуви йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани худудий адлия органининг ФХДЁ архивига тегишли текширув ўtkазиш ва такорий гувоҳнома бериш учун жўнатади.

186. Худудий адлия органининг ФХДЁ архиви аризани олиши билан дастлабки ва тикланган далолатнома ёзувларини текширади ва такорий гувоҳномани юборади.

Далолатнома ёзуви мавжуд бўлмаса ариза берувчига тегишли маълумотнома юборилади.

187. Такорий гувоҳнома бериш ҳақида ариза тушганда текшириш аризада кўрсатилган йил бўйича, агар мазкур йилда бўлмаса – ўтган ва кейинги 3 йиллар бўйича ўtkазилади.

188. Такорий гувоҳнома олишда ариза берувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилиши керак.

189. Агар далолатнома ёзувининг баъзи устунлари тўлдирилмаган бўлса, у ҳолда чизиқлар қўйилади.

Бериладиган гувоҳномаларнинг юқори қисмига «Такорий» деган белги қўйилади.

190. Такорий гувоҳномалар берилганлиги учун давлат божи ва (ўлим ҳақидаги гувоҳномалар бундан мустасно) герб йиғими ундирилади.

191. Ҳаракатлар амалга ошираётган ФХДЁ органлари мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг, шунингдек хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилаётган ҳаракатлар тўғрисида маълум бўлган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган маълумотларни ошкор қилиши, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ҳам тақиқланади.

Далолатнома ёзувларидан нусхалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, суд, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлари, иш юритуvida мавжуд бўлган ишлар муносабати билан нотариуслар, шунингдек ФХДЁ органлари, васийлик ва ҳомийлик органлари ва Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг сўровига кўра берилади (юборилади).

Фуқароларга далолатнома ёзувларидан нусхалар берилишига йўл қўйилмайди.

Зарур ҳолларда ҳокимлик, мудофаа ишлари бўлими, соғлиқни сақлаш муассасаси, Бандликка кўмаклашиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлим мининг вакиллари маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ёки таққослаш мақсадида худудий адлия органларининг рухсати билан далолатнома ёзувларидан айрим маълумотларни кўчириб олишлари мумкин.

Амалга оширилган ҳаракатларнинг сирини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

#### **14-боб. ФХДЁ органлари идоравий архиви**

192. ФХДЁ бўлимлари архивлари ва худудий адлия органлари ФХДЁ архивлари ФХДЁ органларининг архиви ҳисобланади.

ФХДЁ бўлимлари архивлари тегишли туман (шаҳар) худудида тузилган далолатнома ёзувларидан иборат бўлган дафтарлардан ташкил топади.

Хужжатларнинг ва архив материалларининг сақланишини таъминлаш мақсадида ФХДЁ органлари далолатнома ёзувларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфида бўлган “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимига киритадилар.

193. Ўлимни қайд этиш билан шуғулланувчи фуқаролар йиғини раиси қайд этган ўлим тўғрисидаги далолатнома ёзувларини ФХДЁ органига топшириши керак.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари далолатнома ёзувларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига топширишлари керак.

194. ФХДЁ бўлимлари архивларида сақланаётган далолатнома ёзувлари китоблар тарзида тикилади, архив фонди ҳисобига олинади.

195. Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари томонидан қайд этилган далолатнома ёзувлари Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг ФХДЁ архивида сақланади. Ушбу далолатнома ёзувлари бўйича кейинги ҳаракатлар мазкур Коидаларда белгиланган тартибда Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг ФХДЁ архиви томонидан амалга оширилади.

196. ФХДЁ органлари архиви учун алоҳида хона бўлмагандан далолатнома ёзувлари дафтарлари иш хоналарида темир шкафларда сақланиши мумкин.

197. ФХДЁ органлари архивлари, дафтарлар шкафлари ишдан ташқари вактда ФХДЁ органининг мансабдор шахси томонидан муҳрлаб қўйилиши керак.

198. ФХДЁ органлари архивларида далолатнома ёзувлари дафтарларини сақлаш учун зарур шароитларни яратиш ҳудудий адлия органларига юкланди.

199. ФХДЁ органларида келиб тушган хабарномалар асосида далолатнома ёзувларига киритилган барча ўзгартиришлар тўғрисидаги белгилар ҳудудий адлия органи ФХДЁ архиви мансабдор шахсининг имзоси билан тасдиқланиши ва гербли муҳр билан муҳрланиши керак.

200. Жўнатилаётган хабарномалар ФХДЁ органидан чиқаётган хат ва хабарномалар дафтарида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

201. ФХДЁ органи архивида далолатнома ёзувлари дафтарларининг тўлиқ сақланиши учун жавобгарлик ФХДЁ органи мудири ёки ФХДЁ органи архиви учун масъул бўлган ходим зиммасига юкланди.

202. Ҳудудий адлия органлари ФХДЁ органи архивларини далолатнома ёзувларини китоб шаклида тикиш учун зарур бўлган маблағлар билан таъминлайди.

203. Ҳудудий адлия органларининг ФХДЁ органлари архивлари келувчилар учун хонага, иш хонасига ҳамда далолатнома ёзувлари дафтарлари сақланадиган хоналарга эга бўлишлари керак.

Архив учун ажратилган хона темир стеллажлар ва темир жавонлар билан жиҳозланган бўлиши, унинг эшиклари ва деразаларига темир панжаралар ўрнатилиши керак.

204. Архивга бегона кишиларнинг кириши, далолатнома ёзувлари билан танишиши, улардан нусхалар, фотонусхалар олиши, уларга далолатнома ёзувлари дафтарларининг берилиши қатъиян ман этилади.

205. ФХДЁ органи архивларида далолатнома ёзувлари тузилган кунидан бошлиб 75 йил мобайнида сақланади. Бу муддат тугагач, далолатнома ёзувлари дафтарлари ҳудудий адлия органларининг ФХДЁ архивларига топширилади.

Ҳудудий адлия органларининг ФХДЁ архивлари далолатнома ёзувларининг ҳар иккала нусхаларини бир-бири билан солишибтириб, зарурий ўзгартиришлар, тузатишлар, қўшимчалар ва белгилар киритадилар, фойдаланишга яроқсиз ҳолдаги далолатнома ёзувларини алмаштирадилар, белгиланган тартибда расмийлаштирадилар ва уларни доимий сақлаш учун давлат архивига топширадилар.

Далолатнома ёзувлари бир нусхада тузилган ҳолатларда ҳудудий адлия органи томонидан доимий сақлаш учун давлат архивига топширилади.

206. Худудий адлия органларининг ФХДЁ архивларида қолган далолатнома ёзувларининг иккинчи нусхалари муддати ўтгач, далолатнома асосида ёкиб юбориш йўли билан йўқ қилинади.

Сақлаш муддатлари ўтганлиги сабабли далолатнома ёзувлари дафтарларини йўқ қилиш ҳақидаги далолатнома худудий адлия органининг бошлиғи томонидан тасдиқланиши керак.

206. Худудий адлия органларининг ФХДЁ архивларида қолган далолатнома ёзувларининг иккинчи нусхалари муддати ўтгач, далолатнома асосида ёкиш йўли билан йўқ қилинади.

Сақлаш муддатлари ўтганлиги сабабли далолатнома ёзувлари дафтарларини йўқ қилиш ҳақидаги далолатнома худудий адлия органининг бошлиғи томонидан тасдиқланиши керак.

Далолатнома ёзуви бир нусхада қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.

### **15-боб. “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими**

208. “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими фуқаролик ҳолати далолатномалари, далолатнома ёзувларига алоқадор ўзгартиришлар, уларнинг қайта тикланиши ва бекор қилиниши ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилганлиги тўғрисида гувоҳномалар ва улардан кўчирмалар берилганлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган давлат электрон ахборот тизими ҳисобланади.

209. ФХДЁ органлари фуқаролик ҳолати далолатномалари, шунингдек уларга ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчаларнинг “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимига ўз вақтида ва тўғри киритилишини таъминлайдилар.

210. ФХДЁ органлари ўзаро ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали ахборот алмашишлари мумкин. “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали алмасилаётган ахборот ФХДЁ органлари ва манфаатдор ташкилотлар томонидан иш юритувига расмий ҳужжат сифатида қабул қилинади.

### **16-боб. ФХДЁ органлари, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари ва фуқаролар йигинларининг ҳисботи**

211. Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари ҳар ярим йилликдан кейинги ойнинг 15-кунигача Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қайд қилинган далолатнома ёзувлари ва сарфланган гербли гувоҳномалар бўйича ҳисбот тақдим этадилар.

212. Фуқаролар йифини раислари томонидан қайд этилган далолатнома ёзувлари кейинги ойнинг 2-кунидан кечиктирмай ФХДЁ органига топширилади. Ҳисботнинг иккинчи нусхаси фуқаролар йифинида сақланади.

213. ФХДЁ органларининг далолатнома ёзувлари ва гербли гувоҳномалар бўйича ҳисботлари “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимидан олинади.

214. Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари томонидан қайд этилган далолатнома ёзувлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига чорақдан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай топширилиши керак.

### **17-боб. Гербли гувоҳномаларни ҳисобга олиш ва сақлаш**

215. Далолатнома ёзувлари асосида тартиб рақами ва серияси бўлган, ФХДЁ органининг мухри ва мансабдор шахсининг имзоси қўйилган гербли гувоҳномалар берилади.

216. ФХДЁ органларида гувоҳномаларнинг ҳисобга олиниши ва уларнинг сақланиши учун уларнинг мудирлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида – уларнинг раислари, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларида эса – консуллар масъул ҳисобланади.

217. Агар гербли гувоҳномаларнинг сақланиши учун масъул шахс узрли сабабларга кўра бўлмаганда, у ҳолда гербли гувоҳномалар далолатнома бўйича унинг вазифасини вақтинча ижро этаётган мансабдор шахсга топширилади.

218. Гербли гувоҳномаларнинг камчилиги, нуқсонлари, йўқолганлиги ва ўғирланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига маҳсус хабарнома жўнатилади.

Гербли гувоҳномалар йўқолган ҳар бир ҳолатда худудий адлия органи томонидан хизмат текшируви ўтказилиши ва айбдор шахсларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ қатъий чоралар кўрилиши лозим.

219. Гербли гувоҳномаларни ҳисобга олиш ва сарфлаш дафтарлари аниқ ва равшан тўлдирилиши керак.

Гербли гувоҳномаларни сарфлашда уларнинг рақамлари ёзилишида кетма-кетлик қоидасини бузиш, дафтардаги ёзувларни чизиш ва ўчириш қатъиян ман этилади. Ушбу дафтарларга киритилган ҳар бир тузатиш изоҳланиши зарур.

220. Гербли гувоҳномалар муҳрланадиган сейфларда сақланиши керак.

### **18-боб. ФХДЁ органлари фаолиятини текшириш**

221. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ФХДЁ органларининг хуқуқни қўллаш амалиётини ўрганади.

222. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ФХДЁ органларининг фаолиятини ҳар икки ярим йилда бир марта, ҳудудий адлия органлари эса ҳар йили текшириши лозим.

223. ФХДЁ органлари томонидан далолатнома ёзувлари бўйича ўларга ҳисоб берувчи фуқаролар йигинлари фаолияти бир йилда 1 марта текширилиши лозим.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини  
қайд этиш қоидаларига  
1-илова

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат гербининг тасвири

**TUG‘ILGANLIK HAQIDA GUVOHNOMA**

familiyasi \_\_\_\_\_  
ismi \_\_\_\_\_  
otasining ismi \_\_\_\_\_  
Tug‘ilgan sanasi \_\_\_\_\_  
yil, kun, oy (raqam va so‘z bilan)  
Tug‘ilgan joyi \_\_\_\_\_  
davlat \_\_\_\_\_  
viloyat \_\_\_\_\_  
tuman, shahar \_\_\_\_\_  
Bu haqda \_\_\_\_\_  
FHDY organining nomi \_\_\_\_\_  
-yil \_\_\_\_\_ — \_\_\_\_\_ da  
\_\_\_\_\_ -son dalolatnoma yozushi qayd etildi.  
Shaxsiy raqam:

Otasi \_\_\_\_\_  
familiyasi \_\_\_\_\_  
ismi va otasining ismi \_\_\_\_\_  
Millati \_\_\_\_\_  
Fuqaroligi \_\_\_\_\_  
Onasi \_\_\_\_\_  
familiyasi \_\_\_\_\_  
ismi va otasining ismi \_\_\_\_\_  
Millati \_\_\_\_\_  
Fuqaroligi \_\_\_\_\_  
Guvochnoma bergen organ \_\_\_\_\_  
FHDY organining nomi \_\_\_\_\_  
Berilgan sanasi \_\_\_\_\_ -yil \_\_\_\_\_ — \_\_\_\_\_  
kun, oy \_\_\_\_\_  
Fuqarolik holati dalolatnomalarini  
yozish organi mudiri \_\_\_\_\_  
Muhr \_\_\_\_\_  
Seriya raqami \_\_\_\_\_  
QR kod тасвири \_\_\_\_\_

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини  
қайд этиш қоидаларига  
1а-илова

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат гербининг тасвири

**TUG‘ILGANLIK HAQIDA GUVOHNOMA  
TUWÍLĞANLÍQ HAQQÍNDA GÚWALÍQ**

*familiyasi / familiyasi*

*ismi / ati*

*otasining ismi / ákesiniň ati*

Tug‘ilgan sanasi

Tuwilǵan sánesi

*yil, kun, oy / jl, kún, ay (raqam va so'z bilan / san hám sóz benen)*

Tug‘ilgan joyi

Tuwilǵan jeri

*davlat / mámlekет*

*respublika / respublika*

*tuman, shahar / rayon, qala*

Bu haqda

Bul haqqında

*FHDY organining nomi / PHAJ organunuň ati*

*da*

*de*

*-yil*

*da*

*-jl*

*de*

*kun, oy / kún, ay*

*-son dalolatnoma yozuvi qayd etildi.*

*-san akt jazıwı dizimge alındı.*

Shaxsiy raqam:

Jeke qatar sanı:

Otasi

Ákesi

*familiyasi / familiyasi*

*ismi, otasining ismi / ati, ákesiniň ati*

Millati

Milleti

Fuqaroligi

Puqaralığı

Onasi

Anası

*familiyasi / familiyasi*

*ismi, otasining ismi / ati, ákesiniň ati*

Millati

Milleti

Fuqaroligi

Puqaralığı

Guvohnoma bergen organ

Gúwaliq bergen organ

*FHDY organining nomi / PHAJ organunuň ati*

*-yil*

*-*

Berilgen sanasi

Berilgen sánesi

*-jl*

*-*

*kun, oy / kún, ay*

Fuqarolik holati dalolatnomalarini

yozish organı mudiri

Puqaralıq halatı aktlerin jazıw

organı meńgeriwshisi

Muhr

Mór

Seriya raqami

QR kod тасвири

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини  
қайд этиш қоидаларига  
2-илова

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат гербининг тасвири

**NIKOH TUZILGANLIGI HAQIDA GUVOHNOMA**

*familiyasi*

*ismi va otasining ismi*

Tug‘ilgan sanasi \_\_\_\_\_ -yil \_\_\_\_\_ —  
*kun, oy*

Tug‘ilgan joyi \_\_\_\_\_

Fuqaroligi \_\_\_\_\_

va \_\_\_\_\_  
*familiyasi*

*ismi va otasining ismi*

Tug‘ilgan sanasi \_\_\_\_\_ -yil \_\_\_\_\_ —  
*kun, oy*

Tug‘ilgan joyi \_\_\_\_\_

Fuqaroligi \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ -yil \_\_\_\_\_ —  
*kun, oy* da

nikohlandilar.

Bu haqda \_\_\_\_\_

*FHDY organining nomi* \_\_\_\_\_ da

\_\_\_\_\_ -yil \_\_\_\_\_ —  
*kun, oy* da

\_\_\_\_\_ -son dalolatnoma yozuvini qayd etildi.

Nikoh qayd etilganidan keyin quyidagi familiyalar berildi:

eriga \_\_\_\_\_

xotiniga \_\_\_\_\_

Guvohnoma bergen organ \_\_\_\_\_

*FHDY organining nomi* \_\_\_\_\_

Berilgan sanasi \_\_\_\_\_ -yil \_\_\_\_\_ —  
*kun, oy*

Fuqarolik holati dalolatnomalarini  
yozish organi mudiri \_\_\_\_\_

Muhr

Seriya raqami

QR kod тасвири

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини  
қайд этиш қоидаларига  
2а-илова

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат гербининг тасвири

NIKOH TUZILGANLIGI HAQIDA GUVOHNOMA  
NEKE DÚZILGENLIGI HAQQÍNDÁ GÚWALÍQ

*familiyasi / familiyasi*

*ismi, otasining ismi / ati, ákesiniň ati*

Tug‘ilgan sanasi \_\_\_\_\_ -yil \_\_\_\_\_ —

Tuwilǵan sánesi \_\_\_\_\_ -jıl \_\_\_\_\_ —  
\_\_\_\_\_ *kun, oy / kún, ay*

Tug‘ilgan joyi  
Tuwilǵan jeri \_\_\_\_\_

Fuqaroligi

Puqaralığı \_\_\_\_\_

va

hám \_\_\_\_\_

*familiyasi / familiyasi*

*ismi, otasining ismi / ati, ákesiniň ati*

Tug‘ilgan sanasi \_\_\_\_\_ -yil \_\_\_\_\_ —

Tuwilǵan sánesi \_\_\_\_\_ -jıl \_\_\_\_\_ —  
\_\_\_\_\_ *kun, oy / kún, ay*

Tug‘ilgan joyi  
Tuwilǵan jeri \_\_\_\_\_

Fuqaroligi

Puqaralığı \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ -yil \_\_\_\_\_ —  
\_\_\_\_\_ -jıl \_\_\_\_\_ —  
\_\_\_\_\_ *kun, oy / kún, ay*

nikohlandilar.  
nekelesti.

Bu haqda

Bul haqqında

*FHDY organining nomi / PHAJ organının atı*

da

de

\_\_\_\_\_ -yil \_\_\_\_\_ — da

\_\_\_\_\_ -jıl \_\_\_\_\_ — de

*kun, oy / kún, ay*

-son dalolatnomma yozuvi qayd etildi.

-san akt jazıwı dizimge alındı.

Nikoh qayd etilganidan keyin quyidagi familiyalar  
berildi:

Neke dúzilgennen keyin tómendegi familiyalar berildi:

eriga

kúyewine \_\_\_\_\_

xotiniga

hayalına \_\_\_\_\_

Guvochnoma bergen organ

Gúwaliq bergen organ

*FHDY organining nomi / PHAJ organının atı*

Berilgan sanasi \_\_\_\_\_ -yil \_\_\_\_\_ —

Berilgen sánesi \_\_\_\_\_ -jıl \_\_\_\_\_ —

*kun, oy / kún, ay*

Fuqarolik holati dalolatnomalarini  
yozish organı mudiri

Puqaralıq halatı aktlerin jazıw

organı meńgeriwshisi \_\_\_\_\_

da Muhr

de Mór

Seriya raqami

QR kod тасвири

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини  
қайд этиш қоидаларига  
3-илова

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат гербининг тасвири

NIKHDAN AJRALGANLIK HAQIDA GUVOHNOMA

*familiyasi*

*ismi va otasining ismi*

va

*familiyasi*

*ismi va otasining ismi*

nikohdan ajralishdi.

Bu haqda \_\_\_\_\_ da  
*FHDY organining nomi*

\_\_\_\_\_ -yil \_\_\_\_\_ — \_\_\_\_\_ da \_\_\_\_\_ -son dalolatnoma yozuvini qayd etildi.  
*kun, oy*

Nikohdan ajralgandan keyin quyidagi familiyalar berildi:

eriga \_\_\_\_\_

xotiniga \_\_\_\_\_

Guvochnoma bergen organ \_\_\_\_\_  
*FHDY organining nomi*

Guvochnoma: \_\_\_\_\_  
*familiyasi* \_\_\_\_\_ ga berildi.  
*ismi va otasining ismi*

Berilgan sanasi \_\_\_\_\_ — yil \_\_\_\_\_ — \_\_\_\_\_  
*kun, oy*

Fuqarolik holati dalolatnomalarini  
yozish organi mudiri \_\_\_\_\_

Muhr  
Печать

Seriya raqami

QR kod тасвири

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини  
қайд этиш қоидаларига  
За-илова

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат гербининг тасвири

NIKOH DAN AJRALGANLIK HAQIDA GUVOHNOMA  
NEKE DEN AJIRASQANLIGI HAQQINDA GUVALIQ

*familiyasi / familiyasi*

*ismi, otasining ismi / ati, ákesiniň ati*

va  
hám

*familiyasi / familiyasi*

*ismi, otasining ismi / ati, ákesiniň ati*

nikohdan ajralishdi.  
nekeden ajirastı.

Bu haqda  
Bul haqqında

da  
de

*FHDY organining nomi / PHAJ organunuň ati*

-yil  
-jıl

—  
—

da  
de

-son dalolatnomalar yozuvi qayd etildi.  
-san akt jazıwı dizimge alındı.

*kun, oy / kún, ay*

Nikohdan ajralgandan keyin quyidagi familiyalar berildi:  
Nekeden ajirasqannan keyin tómendegi familiyalar berildi:

eriga  
kýyewine

xotiniga  
hayalına

Guvochnoma bergen organ  
Guvvalıq bergen organ

*FHDY organining nomi / PHAJ organunuň ati*

Guvochnoma  
Guvvalıq

ga berildi.

*familiyasi / familiyasi*

ǵa berildi.

*ismi, otasining ismi / ati, ákesiniň ati*

Berilgan sanasi  
Berilgen sánesi

-yil  
-jıl

—  
—  
*kun, oy / kún, ay*

Fuqarolik holati dalolatnomalarini  
yozish organı mudiri  
Puqaralıq halatı aktlerin jazıw  
organı meńgeriwshisi

Muhr  
Mór

Seriya raqami

QR kod тасвири

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини  
қайд этиш қоидаларига  
4-илова

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат гербининг тасвири

**O'LIM HAQIDA GUVOHNOMA**

*familiyasi*

*ismi va otasining ismi*

Fuqaroligi \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ -yil \_\_\_\_\_ — \_\_\_\_\_ da

\_\_\_\_\_ yoshda vafot etdi.

Bu haqda \_\_\_\_\_

*FHDY organining nomi*

\_\_\_\_\_ -yil \_\_\_\_\_ — \_\_\_\_\_ da \_\_\_\_\_ -son dalolatnoma yozuvi qayd etildi.  
*kun, oy*

Vafot etgan joyi \_\_\_\_\_

*davlat*

*viloyat*

*tuman, shahar*

Guvochnoma bergen organ \_\_\_\_\_

*FHDY organining nomi*

Berilgan sanasi \_\_\_\_\_ -yil \_\_\_\_\_ — \_\_\_\_\_

*kun, oy*

Fuqarolik holati dalolatnomalarini  
yozish organi mudiri \_\_\_\_\_

Muhr  
Печать

Seriya raqami

QR kod тасвири

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини  
қайд этиш қоидаларига  
4а-илова

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат гербининг тасвири

O'LIM HAQIDA GUVOHNOMA  
ÓLIM HAQQÍNDÁ GÚWALÍQ

familiyasi / familiyasi

ismi, otasining ismi / ati, ákesiniň ati

Fuqaroligi  
Puqaralığı

yil — da  
jıl — de

yoshda vafot etdi.  
jasta óldi.

Bu haqda \_\_\_\_\_ da  
Bul haqqında \_\_\_\_\_ de

FHDY organining nomi / PHAJ organınıň atı

-yil — da — -son dalolatnoma yozuvi qayd etildi.  
-jıl — de — -san akt jazıwi dizimge alındı.  
kun, oy / kún, ay

Vafot etgan joyi  
Ólgen jeri:

davlat / mámlekет

respublika / respublika

tuman, shahar / rayon, qala

Guvohnoma bergen organ  
Gúwaliq bergen organ

FHDY organining nomi / PHAJ organınıň atı

Berilgan sanasi -yil —  
Berilgen sánesi -jıl —  
kun, oy / kún, ay

Fuqarolik holati dalolatnomalarini  
yozish organi mudiri  
Puqaralıq halati aktlerin jazıw  
organı meñgeriwshisi

Muhr  
Mór

Seriya raqami

QR kod тасвири

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “20” октябрдаги550-сон қарорига  
4-илова

**Туғилганликни қайд этиш билан боғлиқ комплекс  
давлат хизматларини кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент туғилган боланинг ота-онаси ёки васийси (ҳомийси), тутинган ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки уларнинг яқин қариндошларига ёхуд ота-онасидан бири ваколат берган бошқа шахсларга (кейинги ўринларда – ариза берувчилар) туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома олиш, туғилганликни қайд этиш, поликлиникага ҳисобга қўйиш, бир марталик нафақа пулинни олиш, болани отаси ёки онаси ёхуд васийси (ҳомийси), тутинган ота-онаси доимий рўйхатда турган манзили бўйича рўйхатга қўйиш ҳамда болани давлат мактабгача таълим ташкилотига навбатга қўйиш бўйича комплекс давлат хизматлари (кейинги ўринларда – давлат хизматлари) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизматини кўрсатишда қўйидагилар иштирок этади:

а) тиббиёт муассасаси (туғруқхона, шифохона туғруқ бўлими, оиласији поликлиника) бола ва унга бериладиган фамилия, исм ва ота исми, ота-она ва уларнинг никоҳи, бола рўйхатга қўйиладиган поликлиника ва ички ишлар бўлими, навбатга қўйиладиган давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳақидаги барча маълумотларни электрон тиббий маълумотномани шакллантириш учун маҳсус электрон бланкга киритади ва автоматик равишда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимига (кейинги ўринларда – ФҲДЁ бўлими) “Туғилиш ва ўлимни, шу жумладан перинатал ўлимни электрон рўйхатга олиш” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали юборади;

б) ФҲДЁ бўлими:

туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини қайд этади ёки далолатнома ёзувини қайд этишни мазкур Регламентнинг 9-бандига асосан рад этади ва QR-код (матрик штрихли код) қўйилган туғилганлик ҳақидаги маълумотномани тиббиёт муассасасига юборади ҳамда бошқа давлат хизматларидан комплекс тарзда фойдаланишни таъминлайди;

ариза берувчиларнинг исталган вақтдаги талабига асосан туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномани экстерриториал тамойил асосида расмийлаштириб беради;

в) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармаси):

фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа пулин расмийлаштиради ва хизмат натижаси бўйича ариза берувчига СМС-хабар юборади;

ҳар бир тўлов ойи бошида ўтган ойда тўланган фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақаларнинг умумий суммасидан кам бўлмаган миқдордаги маблағларни акциядорлик тижорат “Халқ банки”нинг (кейинги ўринларда – Халқ банки) ҳисобварағига молиялаштиради;

фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа пули Халқ банки томонидан тўлангандан, шу жумладан аризачининг банк пластик картасига йўллангандан сўнг, тўлов амалга оширилганлиги ҳакида ариза берувчига СМС-хабар юборади;

г) тиббиёт муассасалари она рўйхатда турган поликлиникага (рўйхатда турмаган тақдирда доимий ёки вақтинча рўйхатда турган яшаш манзилидаги поликлиникага) болани рўйхатга қўяди ва ариза берувчига бола рўйхатга қўйилган поликлиника ҳакида СМС-хабар юборади;

д) туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари болани отаси ёки онаси ёхуд васийси (ҳомийси), тутинган ота-онаси доимий рўйхатда турган манзили бўйича “Манзил” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали рўйхатга қўяди ва ариза берувчига хизмат натижаси бўйича СМС-хабар юборади;

е) Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги сўровномада кўрсатилган давлат мактабгача таълим ташкилотига болани навбатга қўяди ва ариза берувчига хизмат натижаси бўйича СМС-хабар юборади;

ж) Халқ банки ариза берувчининг хоҳишига кўра унинг банк пластик картасига бир марталик нафақа суммасини йўналтиради ёки фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа тўловини Пенсия жамғармасига электрон сўров юбориш орқали мурожаат қилган фуқаронинг нафақага бўлган ҳуқуқини тасдиқлаган ҳолда амалга оширади.

Ариза берувчига СМС-хабар юбориш билан боғлиқ харажатлар вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан қопланади.

### 3. Ушбу Регламент талаблари қуидаги ҳолларда:

никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган боланинг туғилиши уларнинг биргалиқдаги аризаси (оталикни белгилаш) асосида туғилишини қайд этишда;

никоҳда бўлмаган онанинг (ёлғиз она) аризасига асосан туғилишни қайд этишда;

топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилишини қайд этишда;

ўлик туғилган боланинг туғилганлигини, ҳаётининг биринчи ҳафтасида ўлган (перинатал ўлим) болаларнинг туғилганлигини, шунингдек эгизаклардан бири ўлик туғилганда ёки ҳаётининг биринчи ҳафтасида (перинатал ўлим) вафот этганда тирик эгизакнинг туғилганлигини қайд этишда татбиқ этилмайди.

4. ФХДЁ органи, тиббиёт муассасалари, туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари, Пенсия жамғармаси, Халқ банки ва Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (кейинги ўринларда – ваколатли органлар) ўртасидаги ахборот алмашинуви фақат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда болани доимий рўйхатга қўйиш ҳамда туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштирилганлиги учун мазкур Регламентнинг 11-бандида белгиланган тартибда тўлов ундирилади, бошқа давлат хизматлари бепул амалга оширилади.

5. Давлат хизматини кўрсатиш мазкур Регламентнинг 1-иловасига мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

## **2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

6. Бола туғилган жойдаги тиббиёт муассасаси ходими бола туғилганидан сўнг 1 иш куни ичидаги маълумотларни “Туғилиш ва ўлимни, шу жумладан перинатал ўлимни электрон рўйхатга олиш” ахборот алмашинуви тизимиға киритади.

Бунда, боланинг ота-онасига тегишли маълумотлар ота-оналарнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва уларнинг никоҳи ҳақидаги маълумотлар никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома асосида киритилади.

Ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмагандан боланинг туғилганлигини қайд этиш тиббиёт муассасасининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг ёзма мурожаатларига асосан амалга оширилади.

Бола туғилгунга қадар унинг отаси вафот этган вақтдан, ота-онаси никоҳи бекор қилинганлигидан ёки ота-онасигининг никоҳи суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган санадан кейин 300 кундан кўп вақт ўтмаган бўлса ариза берувчи томонидан никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома, суднинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги қароридан кўчирма (нусха) ёки никоҳни ҳақиқий эмас деб топганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган қароридан кўчирма (нусха) ёки отасининг ўлими ҳақидаги гувоҳномаси тақдим этилади.

Ота ёки онанинг хоҳишига кўра тиббиёт муассасаси ходими “Туғилиш ва ўлимни, шу жумладан перинатал ўлимни электрон рўйхатга олиш” ахборот алмашинуви тизимиға ушбу Регламентнинг 10-бандида кўрсатилган комплекс хизматлардан фойдаланиш учун ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича сўровномани тўлдиради.

Ота-она ўз хоҳишига кўра ушбу комплекс хизматларнинг барчасидан бир вактда ёки айримларидан фойдаланиши мумкин, болани доимий рўйхатга кўйиш бундан мустасно.

Маълумотлар автоматик равища “ФХДЁ ягона электрон архиви” ахборот тизимиға юборилади ва “Туғилиш ва ўлимни, шу жумладан перинатал ўлимни электрон рўйхатга олиш” ахборот алмашинув тизимида QR-код (матрик штрихли код) кўйилган бланкда маълумотнома шакллантирилади.

ФХДЁ бўлими томонидан туғилганлик ҳолатини қайд этиш рад этилганда, тиббиёт муассасаси ходими З иш соати давомида камчиликларни бартараф этиб, сўровномани қайта юборади.

## 7. ФХДЁ бўлими:

1 иш куни давомида бола, ота-она ва уларнинг никоҳи ҳақидаги маълумотларни Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига асосан текшириб, “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини қайд этади ва ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ QR-код (матрик штрихли код) кўйилган туғилганлик ҳақидаги маълумотномани тиббиёт муассасасига юборади ҳамда ушбу Регламентнинг 10-бандида кўрсатилган давлат хизматларидан комплекс тарзда фойдаланишни таъминлаш учун бола ҳақидаги маълумотларни ваколатли органларнинг ахборот тизимларига юборади;

электрон тизим орқали келган маълумотлар қонунчилик ҳужжатларига зид бўлган ҳолларда далолатнома ёзувини қайд этишни мазкур Регламентнинг 9-бандига асосан рад этади ҳамда тиббиёт муассасасига рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ушбу Регламентга 4-иловага мувофиқ шаклда QR-код кўйилган хабарномани юборади;

сўровнома қайта келиб тушгандан сўнг 1 иш соати мобайнида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини қайд этади ва QR-код (матрик штрихли код) кўйилган туғилганлик ҳақидаги маълумотномани тиббиёт муассасасига юборади.

Ариза берувчиларнинг исталган вақтдаги талабига асосан туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномани экстерриториал тамойил асосида расмийлаштириб беради.

8. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини расмийлаштириш қўйидаги ҳолатларда рад қилиниши мумкин:

туғилганликни қайд этиш қонунчиликка зид бўлса;

тақдим этилган маълумотлар уларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида кўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

туғилганликни қайд эттириш учун мурожаат қилган шахс бунга хуқуқли бўлмаса ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса.

**9. ФХДЁ бўлимидан ахборот тизимлари орқали маълумотлар келиб тушганидан сўнг:**

а) туман (шаҳар) ички ишлар бўлиmlари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “Манзил” ахборот алмашинуви тизими орқали болани отаси ёки онаси ёхуд васийси (ҳомийси), тутинган ота-онаси доимий рўйхатда турган манзили бўйича 1 иш куни ичидаги рўйхатга қўяди ва ариза берувчига хизмат натижаси бўйича СМС-хабар юборади. Болани унинг отаси ёки онаси доимий рўйхатда турмаган тақдирда рўйхатга қўйиш Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 августдаги ПҚ – 3924-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон қарори ҳамда “Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2020 йил 22 майдаги 320-сон қарорида белгиланган тартибда амалга оширилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги хузуридаги Мактабгача таълим агентлигининг мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизими автоматик равишда болани сўровномада кўрсатилган давлат мактабгача таълим ташкилотига навбатга қўяди ва ариза берувчига хизмат натижаси бўйича СМС-хабар юборади;

в) Пенсия жамғармасининг “Пенсия” ахборот тизими автоматик равишда фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа пулини расмийлаштиради ва ариза берувчига хизмат натижаси бўйича СМС-хабар юборади.

Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими ҳар ойнинг бошида ўтган ойда ушбу ҳудудда тўланган фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақаларнинг умумий суммасидан кам бўлмаган микдордаги маблағларни Халқ банки филиалининг ҳисобварафига молиялаштиради.

Боланинг отаси ёки онаси шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатган ҳолда, бола туғилгандан бошлаб 6 ой муддат ичидаги бир марталик нафақа пулини олиш учун Халқ банкининг исталган филиалига мурожаат қиласи;

г) Халқ банки филиали бир марталик нафақа тўловини олиш учун мурожаат қилган фуқаронинг нафақага бўлган ҳукукини Пенсия жамғармасига электрон сўров юбориш орқали тасдиқлади ҳамда олдиндан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан нафақа тўловини амалга оширади. Бунда, тўлов амалга оширилганлиги ҳақида маълумот ариза берувчига СМС-хабар орқали юборилади.

Бир марталик нафақани олиш учун мурожаат қилган шахс бунга ҳукуки бўлмаса, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, нафақани олиш учун бола туғилгандан бошлаб 6 ойдан кейин мурожаат қилса, ушбу нафақа аввал ота ёки онасининг бирига тўлаб берилган бўлса бир марталик нафақани тўлаш рад этилади;

д) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Электрон поликлиника” ахборот алмашинуви тизими она рўйхатда турган поликлиникага (рўйхатда турмаган тақдирда доимий ёки вақтинча рўйхатда турган яшаш манзилидаги поликлиникага) болани рўйхатга қўяди ва ариза берувчига рўйхатга қўйилганлиги ҳақида СМС-хабарни юборади.

10. Ариза берувчилар исталган вақтда QR-код (матрик штрихли код) қўйилган туғилганлик ҳақидаги маълумотнома асосида болага туғилганлиги ҳақида гувоҳномани олиши мумкин.

Бунда ариза берувчилар бола туғилганлиги ҳақида гувоҳномани олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон сўровнома тўлдиради ёки бевосита ФХДЁ бўлимига мурожаат қиласи.

11. ФХДЁ бўлими сўровнома келиб тушгандан кейин бир иш куни ичида болага туғилганлик ҳақида гувоҳнома расмийлаштиради ҳамда уни ариза берувчига тақдим этади.

Бунда туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳнома ФХДЁ бўлими томонидан герб йиғими ундирилган ҳолда расмийлаштирилади.

Ариза берувчи хоҳишига кўра, туғилганлик ҳақида гувоҳномани почта алоқаси орқали олиши мумкин. Бунда почта ҳаражатлари ариза берувчи ҳисобидан қопланади.

Почта алоқаси томонидан кўрсатилган хизмат учун тўлов миқдори почта хизмати томонидан белгиланади.

12. Бир марталик нафақа миқдоридан болани доимий рўйхатга қўйиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Конунида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи миқдоридаги давлат божи чегириб қолинади.

Пенсия жамғармасининг худудий бошқармаси ҳар ойнинг 5 санасига қадар ФХДЁ бўлимининг электрон маълумотлари асосида худудда туғилганлик ҳолати қайд этилган болалар сонига мувофиқ, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари ва ФХДЁ бўлимлари билан тузилган солиштирма далолатномаларга асосан республика бюджети ҳисобидан доимий рўйхатга қўйганлик учун маблағларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобварағига молиялаштиради.

Бунда давлат божи суммаси “Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2020 йил 22 майдаги 320-сон қарорида белгиланган тартибда тақсимланади.

### **3-боб. Якунловчи қоидалар**

13. Ваколатли органлар ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган ариза берувчилар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши керак.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан доимий мониторингни амалга оширадилар.

15. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

16. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Түғилганликни қайд этиш билан боғлиқ  
комплекс давлат хизматларини кўрсатишнинг  
маъмурий регламентига  
1-илова

**Түғилганликни тиббиёт муассасаси орқали ФХДЁ бўлимидаги қайд этиш  
билан боғлиқ комплекс давлат хизматларини кўрсатиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-bosqich	Тиббиёт муассасаси ходими	<p>1. Бола ва унга бериладиган фамилия, исм ва ота исми, ота-она ва уларнинг никоҳи, бола рўйхатга қўйиладиган поликлиника ва ички ишлар бўлими, навбатга қўйиладиган давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳақидаги маълумотларни “Тугилиш ва ўлимни, шу жумладан перинатал ўлимни электрон рўйхатга олиш” ахборот тизимига киритиш ҳамда ушбу тизим орқали ФХДЁ бўлимига юбориш.</p> <p>2. ФХДЁ бўлими томонидан түғилганлик ҳолатини қайд этиш рад этилганда, камчиликларни бартараф этиб, сўровномани қайта юбориш.</p>	Бола түғилганидан сўнг 1 кун мобайнида
2-bosqich	ФХДЁ бўлими	<p>1. Бола, ота-она ва уларнинг никоҳи ҳақидаги маълумотларни қонунчилик хужжатларига асосан текшириб, “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимида түғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини қайд этиш ва QR-код (матрик штрихли код) қўйилган түғилганлик ҳақидаги маълумотномани тиббиёт муассасасига юбориш.</p> <p>2. Электрон тизим орқали келган маълумотлар қонунчилик хужжатларига зид бўлган ҳолларда далолатнома ёзувини қайд этишни мазкур Регламентнинг 9-бандига асосан рад этиш ҳамда тиббиёт муассасасига рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган QR-код қўйилган хабарномани юбориш.</p>	Хабарнома келгандан сўнг 1 иш соати давомида

		<p>3. Сўровнома қайта келиб тушгандан сўнг, тугилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини қайд этиш ва QR-код (матрик штрихли код) кўйилган тугилганлик ҳақидаги маълумотномани тиббиёт муассасасига юбориш.</p> <p>4. Болага оид маълумотларни комплекс тартибда бошқа хизматларни кўрсатиш учун Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ахборот тизимларига юбориш.</p>	Автоматик равища
3-босқич	Тиббиёт муассасаси ходими	QR-код (матрик штрихли код) кўйилган тугилганлик ҳақидаги маълумотномани ариза берувчиларга чоп этиб бериш.	Маълумотнома келиб тушгандан сўнг дархол
4-босқич	Туман (шаҳар) ички ишлар бўлим	Ички ишлар вазирлигининг “Манзил” ахборот алмашинуви тизими орқали болани отаси ёки онаси ёхуд васийси (хомийси), тутинган ота-онаси доимий рўйхатда турган манзили бўйича рўйхатга қўйиш ва натижаси бўйича ота ёки онага СМС-хабар юбориш.	1 иш куни ичида
5-босқич	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимида сўровда кўрсатилган давлат мактабгача таълим ташкилотига навбатга қўйиш ва натижаси бўйича ота ёки онага СМС-хабар юбориш.	Автоматик равища
6-босқич	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	“Электрон поликлиника” ахборот алмашинуви тизими орқали она рўйхатда турган поликлиникага (рўйхатда турмаган тақдирда доимий ёки вақтинча рўйхатда турган яшаш манзилидаги поликлиникага) болани рўйхатга қўйиш ва рўйхатга қўйилганлиги ҳақида ота ёки онага СМС-хабар юбориш.	1 иш куни ичида

7-босқич	Пенсия жамғармаси бўлими	<p>1. Фарзанд тугилганда бериладиган бир марталик нафақа пулини расмийлаштириш ва натижаси бўйича ота ёки онага СМС-хабар юбориш.</p> <p>2. Ҳар ойнинг бошида ўтган ойда ушбу худудда тўланган фарзанд тугилганда бериладиган бир марталик нафақаларнинг умумий суммасидан кам бўлмаган микдордаги маблағларни Халқ банки филиалининг хисобварағига молиялаштириш.</p> <p>3. ФХДЁ бўлимининг электрон маълумотларига асосан худудда тугилганлик ҳолати қайд қилинган болалар сонига мувофиқ доимий рўйхатга кўйганлик учун маблағларни белгиланган тартибда Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси хисобварағига молиялаштириш.</p>	Автоматик равища  Ҳар ойнинг 5 санасига қадар
8-босқич	Халқ банки	Бир марталик нафақа тўловини олиш учун мурожаат қилган ариза берувчининг нафақага бўлган ҳукукини Пенсия жамғармасига электрон сўров юбориш орқали тасдиқлаш ҳамда нафақа тўловини амалга ошириш, тўлов амалга оширилганлиги ҳақида маълумотни ота ёки онага СМС-хабар орқали юбориш.	Мурожаат қилган вақтда
9-босқич	ФХДЁ бўлими	Ариза берувчиларнинг исталган вақтдаги талабига асосан тугилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномани экстерриториал тамойил асосида расмийлаштириб бериш.	Мурожаат қилган вақтда

Түғилғанликни қайд этиш билан боғлиқ  
комплекс давлат хизматларини күрсатишнинг  
маъмурий регламентига  
2-илова

*(санас)* *(рақам)*  
**Түғилғанликни тиббиёт муассасаси орқали ФХДЁ бўлимида қайд этиш билан  
боғлиқ комплекс давлат хизматларидан фойдаланиш учун  
СЎРОВНОМА**

<b>I. Бола ҳақидаги маълумотлар (маълумотлар тўлиқ ёзилиши шарт):</b>		
1. Болага бериладиган Ф.И.О.:		
1.1. Боланинг түғилғанлик ҳақидаги тиббий маълумотлари:		
<b>II. Ота-она ҳақидаги маълумотлар (маълумотлар тўлиқ ёзилиши шарт):</b>		
1. Онанинг Ф.И.О.:		
1.1. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР):		
2. Отанинг Ф.И.О.:		
2.1. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР):		
3. Ота-онанинг никоҳи тузилғанлиги ҳақидаги маълумотлар:		
<b>III. Тиббий поликлиникага ҳисобга қўйиш (хоҳишига кўра)</b>		
1. Тиббий поликлиникага ҳисобга қўйиш:	ҳа	йўқ
2. Ҳисобга қўйиладиган тиббий поликлиника манзили ва сони:		
<b>IV. Бир марталик нафакани олиш (хоҳишига кўра)</b>		
1. Бир марталик нафакани олиш:	ҳа	йўқ
2. Накд кўринишида (1) ёки банк пластик картаси (2) орқали олиш:	1	2
3. Банк пластик картаси танланганда, аризачининг ЖШШИР орқали унга тегишли карта рақами:		
<b>V. Болани рўйхатга қўйиш</b>		
1. Манзил:	Отаси	Онаси
2. Манзил:	Бошқа	
<b>VI. Болани давлат мактабгача таълим ташкилотига навбатга қўйиш (хоҳишига кўра)</b>		
1. Ташкилот номи ва манзили:	1. 2. 3.	

Туғилғанликни қайд этиш билан боғлиқ  
комплекс давлат хизматларини кўрсатишнинг  
маъмурий регламентига  
3-илова

Туғилғанлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд қилинганини түғрисида  
**МАЪЛУМОТНОМА**  
**№**\_\_\_\_\_

1. Боланинг Ф.И.О.	
2. Туғилған санаси ва жойи:	
3. Далолатнома ёзуви қайд қилинган сана ва рақами:	
3. Боланинг ЖШШИРи:	
4. Отасининг Ф.И.О.	
5. Миллати:	
6. Фуқаролиги:	
7. Онасининг Ф.И.О.	
8. Миллати:	
9. Фуқаролиги:	
10. ФХДЁ бўлими:	
11. Маълумотнома берилган сана:	

Хужжатнинг  
ҳақиқийлигини  
тасдиқловчи  
QR-код

Тугилганликни қайд этиш билан боғлиқ  
комплекс давлат хизматларини кўрсатишнинг  
маъмурий регламентига  
4-илова

тиббийт мусасаса номи

Тугилганлик ҳакида далолатнома ёзувини қайд этиш  
рад килинганилиги тўғрисида

**ХАБАРНОМА**

№ \_\_\_\_\_

{сигнаф}

ФХДЕ бўлими томонидан Сизнинг 20 йил “ ”

даги (ФХДЕ бўлими номи)

(йил, кун, ой)

-сон сўровноманигиз кўриб чикилди ва фукаро

нинг

(откание Ф.И.О.)

( ) 20 йил “ ” да тугилган фарзандига нисбатан тугилганлик ҳакидаги  
далолатнома

жизшири (имя, кун, ой)

Ёзувини қайд этиш рад этилганлиги маълум килилади.

Рад этиш асослари:

- 1.
- 2.
- 3.

...

Хабарномада кўрсатилган камчиликларни конунчлилик хужжатларига асосан бартараф  
этуб, сўровномани 1 иш соати мобайнида кайта юборишингиз лозим.

Хужжатнинг  
ҳақиқийлигини  
тасдиқловчи  
QR-код

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “20” октябрдаги 55 ўсон қарорига  
5-илова

**Ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит  
давлат хизматларини кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошларига ёки қонуний вакилига, улар бўлмагандан эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахсга (кейинги ўринларда – ариза берувчилар) ўлим ҳақида тиббий маълумотнома бериш, ўлимни қайд қилиш, вафот этган шахсни дафн қилиш учун қабристонга маълумотнома бериш ва дафн этиш учун нафақа бериш бўйича композит давлат хизматлари (кейинги ўринларда – давлат хизматлари) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизматини кўрсатишда куйидагилар иштирок этади:

а) тиббиёт муассасалари, маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналар ва тиббий-ижтимоий муассасалар (кейинги ўринларда – тиббиёт муассасалари) вафот этган шахс ҳақидаги маълумотларни ўлим ҳақидаги электрон тиббий маълумотномани шакллантириш учун маҳсус электрон бланкга киритади ва автоматик равишда ўлим ҳақида далолатнома ёзувини қайд қилиш учун тиббиёт муассасаси жойлашган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимига (кейинги ўринларда – ФХДЁ бўлими) “Туғилиш ва ўлимни, шу жумладан перинатал ўлимни электрон рўйхатга олиш” автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда – автоматлаштирилган ахборот тизими) орқали юборади.

Бунда, электрон тизим орқали шакллантирилган ўлим ҳақидаги тиббий маълумотнома ариза берувчиларнинг талабига асосан уларга қоғоз шаклида берилиши ва улар тўғридан-тўғри ФХДЁ бўлимига мурожаат қилиши ҳам мумкин;

б) ФХДЁ бўлими:

тиббиёт муассасасидан ўлим ҳақидаги тиббий маълумотнома келиб тушиши билан “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали ўлим ҳақида далолатнома ёзувини автоматик равишда қайд этади ва ўлим ҳақидаги маълумотномани тиббиёт муассасасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармаси)нинг ахборот тизимига электрон шаклда юборади;

вафот этган шахснинг яқин қариндошлари ва меросхўрларининг исталган вақтдаги талабига асосан уларга ўлим ҳақидаги маълумотномани гербли гувоҳномада экстерриториал тамойил асосида расмийлаштириб беради ёки почта алоқаси орқали аризада кўрсатилган манзилга юборади. Бунда, почта ҳаражатлари ариза берувчи ҳисобидан қопланади.

Почта алоқаси томонидан кўрсатилган хизмат учун тўлов миқдори почта хизмати томонидан белгиланади;

в) тиббиёт муассасаси “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали автоматик равишда олинган QR-код (матрик штрихли код) кўйилган ўлим ҳақидаги маълумотномани ариза берувчиларга икки нусхада чоп этиб беради;

г) Пенсия жамғармаси ҳар ойнинг 5-санасига қадар ўтган ойда ушбу ҳудудда тўланган дафн этиш учун нафақаларнинг умумий миқдоридан кам бўлмаган миқдордаги маблағларни тендер асосида танланган тижорат банки ёки бошқа ихтисослашган ташкилот (кейинги ўринларда – тижорат банки) ҳисобварағига молиялаштиради;

д) тижорат банки дафн этиш учун нафақа тўловини тиббиёт муассасаси томонидан берилган QR-код (матрик штрихли код) кўйилган ўлим ҳақидаги маълумотнома асосида Пенсия жамғармасига электрон сўров юбориш орқали мурожаат қилган фуқаронинг нафақага бўлган ҳукуқини тасдиқлаган ҳолда амалга оширади.

### 3. Ушбу Регламент талаблари қўйидаги ҳолларда татбиқ этилмайди:

вояга етмаган вафот этган шахсга нисбатан ФХДЁ бўлимида туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилмаганди;

ўлим ҳолатини суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорига асосан қайд қилишда;

ўлими қонунчиликда белгилangan муддатларда қайд этилмаган шахсларнинг ўлимини қайд этишда;

шахси аниқланмаганларнинг ўлимини қайд этишда;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами бўлмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўлимини қайд этишда.

Ушбу бандда кўрсатилган тоифадаги шахсларнинг ўлимини қайд этиш қонунчилик ҳужжатларида белгилangan тартибда амалга оширилади.

4. Тиббиёт муассасаси, ФХДЁ бўлими, Пенсия жамғармаси ва тижорат банки (кейинги ўринларда – ваколатли органлар) ўртасидаги ахборот алмашинуви факат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

Мазкур давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўлов ундирилмайди.

5. Давлат хизматини кўрсатиш мазкур Регламентга 1-иловадаги мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

## **2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

6. Шахснинг биологик ўлим ҳолати белгиланган тартибда (патологоанатомик, суд-тиббий экспертиза ва бошқалар) тасдиқланганидан сўнг тиббиёт муассасаси ходими бир соат ичидаги ўлим ҳақидаги электрон тиббий маълумотномани шакллантириш учун вафот этган шахс ҳақидаги маълумотларни ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ сўровнома шаклида автоматлаштирилган ахборот тизимига киритади ва автоматик равища ўлим ҳақида далолатнома ёзувини қайд қилиш учун тиббиёт муассасаси жойлашган жойдаги ФХДЁ бўлимига юборади.

Бунда, вафот этган шахсга тегишли маълумотлар унинг шахсини тасдиқловчи хужжатлари асосида киритилади.

Ўлим ҳақидаги тиббий маълумотнома автоматик равища “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимига юборилади.

Ўлим ҳақидаги тиббий маълумотнома ариза берувчиларнинг талабига асосан уларга QR-код (матрик штрихли код) кўйилган ҳолда берилиши ва улар тўғридан-тўғри ФХДЁ бўлимига мурожаат қилиши ҳам мумкин.

### **7. ФХДЁ бўлими:**

тиббиёт муассасасидан ўлим ҳақидаги тиббий маълумотнома келиб тушиши билан “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали ўлим ҳақида далолатнома ёзувини автоматик равища қайд этади ва ўлим ҳақидаги маълумотномани ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ шаклда тиббиёт муассасасига ҳамда Пенсия жамғармасининг ахборот тизимига электрон шаклда юборади;

вафот этган шахснинг яқин қариндошлари ва меросхўрларининг исталган вақтдаги талабига асосан уларга ўлим ҳақидаги маълумотномани гербли гувоҳномада экстерриториал тамойил асосида расмийлаштириб беради ёки почта алоқаси орқали аризада кўрсатилган манзилга юборади.

8. Тиббиёт муассасаси QR-код (матрик штрихли код) кўйилган ўлим ҳақидаги маълумотномани ариза берувчиларга икки нусхада, шу жумладан қабристонга тақдим этиш учун чоп этиб беради.

### **9. Пенсия жамғармаси:**

“ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали келиб тушган маълумот асосида вафот этган шахсга тайинланган пенсия ва/ёки нафақа тўловини ахборот тизимида автоматик равища тўхтатади;

тижорат банкининг электрон маълумотига асосан ахборот тизимида дафн этиш учун тўланган нафақалар рўйхатини шакллантиради ва ҳисобини юритади;

ҳар ойнинг 5-санасига қадар ўтган ойда ушбу худудда тўланган дафн этиш учун нафақаларнинг умумий миқдоридан кам бўлмаган миқдордаги маблағларни тижорат банкининг ҳисобварагига молиялаштиради.

Бунда, молиялаштиришнинг сўнгги куни дам олиш ёки байрам (иш куни бўлмаган) кунларига тўғри келган ҳолларда кейинги иш куни муддатнинг сўнгги куни ҳисобланади.

Ариза берувчилар ФХДЁ бўлими томонидан ўлим ҳақидаги гербли гувоҳнома ёки тиббиёт муассасаси томонидан берилган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ўлим ҳақидаги маълумотнома ва шахсини тасдиқловчи хужжатларини кўрсатган ҳолда, ўлим ҳолати қайд қилингандан бошлаб 60 кун муддат ичida дафн этиш учун нафақа пулинни олиш мақсадида тижорат банкининг исталган филиалига мурожаат қилиши мумкин.

10. Тижорат банки дафн этиш учун нафақа тўловини олиш мақсадида мурожаат қилган фуқаронинг нафақага бўлган ҳукуқини ФХДЁ бўлими томонидан ўлим ҳақидаги гербли гувоҳнома ёки тиббиёт муассасаси томонидан берилган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ўлим ҳақидаги маълумотнома асосида Пенсия жамғармасига электрон сўров юбориш орқали тасдиқлайди ҳамда олдиндан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан нафақа тўловини амалга оширади.

Дафн этиш учун нафақа ФХДЁ бўлими томонидан ўлим ҳақидаги гербли гувоҳнома ёки тиббиёт муассасаси томонидан QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ўлим ҳақидаги маълумотнома берилган жисмоний шахсларга тўланади.

Дафн этиш учун нафақа қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ишончнома орқали тўланиши мумкин.

Дафн этиш учун нафақа пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг тўрт баравари миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштиради.

Дафн этиш учун нафақа тўлови миқдори ўлим содир бўлган кундаги, асосли сабабларга кўра (мархумни қидириш, жасадни хорижий давлат ҳудудидан олиб келиш ва бошқалар) мархум ўлим аниқланган кундан кеч дафн этилган ҳолларда ушбу ҳолатни тасдиқлайдиган хужжатлар асосида дафн этиш кунида белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

Дафн этиш нафақасини олиш учун мурожаат қилган шахс унинг бунга ҳукуқи бўлмаса, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, нафақани олиш учун фуқаронинг ўлими қайд қилингандан бошлаб 60 кундан кейин мурожаат қилган бўлса дафн этиш учун нафақа тўлаш рад этилади.

### **3-боб. Якунловчи қоидалар**

11. Ваколатли органлар ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган ариза берувчилар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши керак.

12. Ўлим ҳолати ФХДЁ бўлимида қайд қилинганлиги ҳақида тиббиёт муассасалари томонидан берилган QR-код (матрик штрихли код) тасвири туширилган маълумотнома ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномага тенглаштирилади ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан қабул қилишни рад этиш қатъяян тақиқланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан доимий назоратни (мониторинг) амалга оширадилар.

14. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

15. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига 1-илова

**Ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит  
давлат хизматларини кўрсатиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Тиббиёт муассасаси ходими	<p>Ўлим ҳолати белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг вафот этган шахс ҳақидаги маълумотларни электрон тиббий маълумотномани шакллантириш учун маҳсус электрон бланкга киритиш ва автоматик равищада ўлим ҳақида далолатнома ёзувини қайд қилиш учун ФХДЁ бўлимига “Гуфилиш ва ўлимни, шу жумладан перинатал ўлимни электрон рўйхатга олиш” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали юбориш.</p>	<p>Ўлим ҳолати белгиланган тартибда (патологоанатомик, суд-тиббий экспертиза ва бошқа) тасдиқлангандан сўнг бир соат ичida</p>
2-босқич	ФХДЁ бўлими	<p>1. “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали автоматик равищада ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувини қайд этиш ва бу ҳақдаги маълумотномани тиббиёт муассасаси ва Пенсия жамғармасига электрон шаклда юбориш.</p> <p>2. Вафот этган шахснинг яқин қариндошлари ва меросхўрларининг исталган вақтдаги талабига асосан экстерриториал тамойил асосида ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномани чоп этиб бериш ёки почта алоқаси орқали аризада кўрсатилган манзилга юбориш.</p>	<p>Маълумотлар келиб тушгандан сўнг автоматик равища</p> <p>Ариза берувчилар, вафот этган шахснинг яқин қариндошлари ёки меросхўрлари томонидан мурожаат қилинганда</p>

3-босқич	Тиббиёт муассасаси ходими	QR-код тасвири туширилган ўлим хақидаги маълумотномани ариза берувчиларга икки нусхада чоп этиб бериш.	Маълумотнома келиб тушгандан сўнг дарҳол
4-босқич	Пенсия жамғармаси бўлими	1. “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали келиб тушган маълумот асосида вафот этган шахсга тайинланган пенсия ва/ёки нафақа тўловини ахборот тизимида автоматик равища тўхтатиш.  2. Ҳар ойнинг 5-санасига қадар ўтган ойда ушбу худудда тўланган дағн этиш учун нафақаларнинг умумий микдоридан кам бўлмаган микдордаги маблағларни тижорат банкининг ҳисобварағига молиялаштириш.	Автоматик равища
	Пенсия жамғармаси худудий бошқармаси		Ҳар ойнинг 5 санасига қадар
5-босқич	Тижорат банки	Дағн этиш учун нафақа тўловини олиш мақсадида мурожаат қилган фуқаронинг нафақага бўлган ҳукуқини ФХДЁ бўлими томонидан ўлим хақидаги гербли гувоҳнома ёки тиббиёт муассасаси томонидан берилган QR-код туширилган ўлим хақидаги маълумотнома асосида Пенсия жамғармасига электрон сўров юбориш орқали тасдиқлаш ҳамда олдиндан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан нафақа тўловини амалга ошириш.	Мурожаат қилган вақтда

Ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит  
давлат хизматларини кўрсатишнинг  
маъмурий регламентига  
2-илова

(санаси)

(рақам)

Ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит давлат хизматларидан  
фойдаланиш учун  
**СЎРОВНОМА**

<b>I. Ариза берувчи ҳақида маълумот:</b>	
1. Ф.И.О.:	
2. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР):	
3. Телефон рақами ва электрон почта манзили:	
4. Яшаш жойи:	
<b>II. Вафот этган шахс ҳақидаги маълумотлар (маълумотлар тўлиқ ёзилиши шарт):</b>	
1. Вафот этган шахснинг Ф.И.О.:	
2. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР):	
3. Миллати:	
4. Фуқаролиги:	
5. Жинси:	
6. Вафот этган вақти:	
7. Вафот этган жойи:	
8. Ўлимнинг сабаби:	
9. Туғилган санаси ва жойи:	
10. Яшаган жойи (манзили) ва шахсини тасдиқловчи маълумотлар:	

11. Ёши:		
<b>III. Дағы этиш учун нафақа олиш</b>		
1. Дағы этиш учун нафақа олиш:	<b>xa</b>	<b>йүк</b>
2. Гербли гувоҳномани почта алоқаси орқали етказиб бериш:	<b>xa</b>	<b>йүк</b>

Ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит  
давлат хизматларини кўрсатишнинг  
маъмурий регламентига  
3-илова

Ўлим ҳақида далолатнома ёзуви қайд қилингандиги тўғрисида

МАЪЛУМОТНОМА

№ \_\_\_\_\_

1. Фуқаронинг Ф.И.О.	
2. Вафот этган санаси:	
3. Ўлим ҳақида далолатнома ёзуви қайд қилинган сана:	
4. Далолатнома рақами:	
5. Ўлим сабаби:	
6. Қайд қилган ФХДЁ бўлими:	
7. Туғилган вақти ва ёши:	
8. Вафот этган жойи:	
9. Маълумотнома берилган сана:	
10. Вафот этган шахснинг ЖШШИР:	
11. Тиббиёт муассасаси:	

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “20” октябрдаги550-сон қарорига  
6-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг паспортлари ва 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг гувоҳномалари бланкалари тайёрлашни моддий-техник таъминлаш ва ташкил этиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 15 майдаги 87-сон қарори.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 30 декабрдаги 346-сон қарори.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Гербли гувоҳномалар берганлик учун герб йиғими миқдорини тасдиқлаш тўғрисида” 2012 йил 25 апрелдаги 119-сон қарори.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг “Гербли гувоҳномалар шаклларини ва уларни берганлик учун герб йиғими миқдорини тасдиқлаш тўғрисида” 2012 йил 25 апрелдаги 119-сон қарорига ўзгартериш киритиш ҳақида” 2013 йил 17 декабрдаги 332-сон қарори.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг “Адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратиши тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 23 декабрдаги 413-сон қарорига илованинг 3-банди.

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 107-бандига қўшимча киритиш ҳақида”ги 2018 йил 6 апрелдаги 270-сон қарори.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 июлдаги 498-сон қарори.

**9.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 13 апрелдаги ПФ-5415-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори) 2018 йил 9 августдаги 638-сон қарорига илованинг 10 ва 13-банлари.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг “Гербли гувоҳномалар шаклларини такомиллаштириш ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг аҳолига кўрсатаётган хизматлари сифатини яхшилаш тўғрисида” 2018 йил 26 сентябрдаги 768-сон қарори.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва нотариал органлар соҳасида ҳамда расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 15 февралдаги 134-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши ва қарорга 1-илова.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 827-сон қарори.

**13.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мехнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон Фармони)” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 113 ва 270-бандлари.

**14.** Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тизимида самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 26 августдаги 514-сон қарорининг 2-банди бешинчи хатбоши ҳамда қарорга илованинг 6, 7, 8, 10 ва 11-бандлари.

**15.** Вазирлар Маҳкамасининг “Туғилганликни қайд этиш билан боғлиқ комплекс давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 10 ноябрдаги 704-сон қарори.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 6 апрелдаги 189-сон қарорига 2-илованинг 4, 8 ва 10-бандлари.

**17.** Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2021 йил 27 декабрдаги 774-сон қарорига 1-илованинг 20 ва 44-бандлари.

**18.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 25 февралдаги 89-сон қарори.

**19.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартаришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 390, 569 ва 937-бандлари.

**20.** Вазирлар Маҳкамасининг “Географик кўрсаткичларни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 13 июлдаги 385-сон қарорига 2-илованинг 7, 8, 25 ва 44-бандлари.

**21.** Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тартибларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 28 сентябрдаги 540-сон қарорига 2-6-бандлари.

**22.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларида давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2022 йил 28 сентябрдаги 541-сон қарорига илованинг 14-банди.

**23.** Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 27 октябрдаги 623-сон қарорига илованинг 2, 3, 5 ва 7-бандлари.

